



2013 йил 14 ноябрь,
пайшанба, 46 (522)-сон

XASR



IJTIMOIY-SIYOSIY
GAZETA

Газета 2004 йил
1 январдан чиқа бошлаган.
e-mail: axborot@xasr@yahoo.com.
web sayt: www.21asr.uz

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



**Оила фуқаролик
жамиятининг
таянч нуқтасидир**

**3 КОНСТИТУЦИЯ
— АМАЛДА**



**«Сарипул»лик
фаоллар
ташаббуси**

**5 ҚҲЙИ
БЎҒИНЛАРДА**



**Тома-тома...
йўқ
бўлурми?**

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Олий мақсад сари ташланган навбатдаги қадам

2013 йилнинг тўққиз ойи таҳлиллари бутун дунёда «ўзбек модели» сифатида тан олинган тараққиёт моделининг салмоқли натижаларга асос бўлаётганини яна бир бор намоён этди

XXI асрнинг дастлабки ўн йиллиги жаҳон иқтисодий ҳаётда юзага келган мураккаб вазиятни ўнглаш, бандлик масаласида пайдо бўлган муаммолар ҳамда ишлаб чиқаришдаги беқарорликни бартараф этиш даврига айлангани бежиз таъкидланмапти. Оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган турли хабарлар ҳам 2008 йилда бошланган молиявий-иқтисодий инқироз оқибатлари ҳали-ҳануз тўла бартараф этилмагани, фақат санокли давлатлар иқтисодий ҳаётдаги ўсиш қузатилаётганидан далолат берапти. Ана шундай бир шароитда Президентимиз Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга ошириш мамлакатимизда макроиқтисодий мувозанатни янада мустаҳкамлаш ва юқори ўсиш суръатларини сақлаш имконини берганини алоҳида таъкидлаш лозим.

3 >>>

O'ZLIDEP TASHABBUSI BILAN

Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш — долзарб масала



Тошкентда O'zLiDeP ташаббуси билан «Аёллар тадбиркорлиги — жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг энг муҳим омилларидан бири» мавзuida республика анжумани ўтказилди

O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, партия фракцияси, Хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Миллий университети, Фермерлар кенгаши, Ижтимоий тадқиқотлар институти, Тошкент давлат юридик уни-

верситети, шунингдек, бошқа олий ўқув юрталари ва тадқиқот марказлари билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани қайд этилди. Тадбирда Ўзбекистон Хотин-қиз-

лар қўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маърупова сўзга чиқиб, аёлларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг эркин фаолият юритишини таъминлаш долзарб вазифалардан бири эканини, бу борада 80 дан зиёд меъририй ҳужжат қабул қилинганини таъкидлади.

2 >>>

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 13 ноябрь куни Оқсаройда расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенкони қабул қилди

Давлатимиз раҳбари Россия парламенти юқори палатаси раҳбарини юртимизга ташрифи билан қўтлар экан, Россия билан қарор топган стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларининг ҳозирги даражаси Ўзбекистонда юксак кадрларининг таъкидлади. 2012 йил июнь ойида Тошкентда, жорий йилнинг апрелида Москвада бўлиб ўтган олий даражадаги Ўзбекистон-Россия учрашув ва музокараларнинг самарадор яқунлари, амалий натижалари сиёсий, савдо-саноат, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорлик ривожига янги суръат бахш этди. Таъкидланганидек, парламентларо алоқаларнинг бугунги даражаси турли соҳаларда ўзаро мулоқотни фаол кенгайтиришда муҳим ўрин тутмоқда. Ўзбекистон Олий Мажлиси ва Россия Федерал Мажлиси юқори палаталари ўртасида 2006 йилда имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги битим муносабатларини тизимли равишда қарор топтиришга хизмат қилиб, икки мамлакатда амалга оширилаётган тўб сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий илохотларни қонунийлик асосида қўллаб-қувватлаш борасида мунтазам тажриба алмашиш имкониятини яратди.

Сўхбат чоғида томонлар иқтисодий ҳамкорлик барқарор кенгайтириб, ўзаро савдо таркиби сифат жиҳатидан яхшиланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди. Учрашувда томонларни қизиқтирган маданий-гуманитар ҳамкорликка оид масалалар, айрим минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашилди. В.Матвиенко сермазун сўхбат, икки давлат учун долзарб бўлган масалаларни муҳокама қилиш имконияти яратилгани учун Ўзбекистон Президентига самимий миннатдорлик билдириб, Россия раҳбарияти халқларимизнинг узок муддатли манфаатларига асосланган ҳолда Ўзбекистон билан конструктив ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

Ў.А.

Ишончни оқлаш учун масъулиятни кучайтирамиз

O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши раиси Муродулло ХОЛМУҲАММЕДОВ «XXI asr» саволларига жавоб беради

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётда кўҳна ва ҳамisha навқирон Самарқанднинг алоҳида ўрни бор, десак асло муболага бўлмайди. Зеро вилоятда нафақат илму фан, маърифат, балки тадбиркорлик ҳам изчил ривожланмоқда. Истиқлол шарофати билан худудда қадим анъаналар янада сайқал топиб, барча соҳа ва тизимларда илохотлар тадрижийлиги таъминланапти. Шу ўринда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодий таянчга айланганини таъкидлаш лозим. Нафақат кичик бизнес, балки барча соҳада эришилаётган салмоқли натижалар, энг аввало,

аҳолининг ғоявий-сиёсий фаоллиги, онг ва тафаккур ўзгаришлари тўб янгиликларга асос бўлаётганини қайд этиш лозим. Самарқандда O'zLiDePнинг пухта ўйланган ғоя ва мақсадлари ҳам аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ўзига хос ўрин эгаллаган. Бунини тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжалиқларининг салмоқли қисмига партия аъзолари етакчилик қилаётгани ҳам кўриш мумкин. Уларнинг аксарияти иқтидорли, ғоявий етуқ, навқирон ёшлар эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

4 >>>

Қонун лойиҳаси янада такомиллаштирилиши керак

O'zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди

Фракция аъзоларининг фикрича, «Мамлакатимизда демократик илохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» талаблари асосида ишлаб чиқилган мазкур ҳужжат атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимида ШТлар роли ва ўрнини белгилашда ниҳоят муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, O'zLiDePнинг Сай-

ловолди платформасида фуқаролик жамияти институтларига уларнинг фуқаролар манфаатини қондириш ва ҳимоя қилиш, муҳим ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган фаолияти самарадорлигини юксалтиришга қўмақлашни вазифаси устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб олинган.

2 >>>

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

ФАРҶОНА ВИЛОЯТИДА ЙИЛ БОШИДАН БУЁН 1300 ДАН ЗИЁД ОИЛАВИЙ ОРХОНА РЎЙХАТГА ОЛИНИБ, 7200 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛДИ. БИРГИНА ҚУВА ТУМАНИДА ТАДБИРКОРЛИКНИНГ БУ ТУРИГА ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛИШИ НАТИЖАСИДА 380 НАФАР КИШИ ДОИМИЙ ИШ ЎРНИГА ЭГА БЎЛДИ.



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 12 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:*)

1 Австралия доллари	▼ 2048,43
1 Англия фунг стерлинги	▲ 3495,48
1 Дания кронаси	▼ 391,07
1 БАА дирҳами	▲ 594,33

1 АКШ доллари	▲ 2182,90
1 Миср фунти	▲ 316,89
1 Исландия кронаси	▼ 17,83
1 Канада доллари	▼ 2084,71

1 Хитой юани	▲ 358,47
1 Малайзия ринггити	▼ 682,18
1 Польша злотийси	▼ 697,55
1 СДР	▲ 3338,40

1 Туркия лираси	▼ 1071,73
1 Швейцария франки	▼ 2367,06
1 ЕВРО	▼ 2951,42
10 Жанубий Корея вони	▼ 20,39

10 Япония иенаси	▼ 220,52
1 Россия рубли	▼ 67,07
1 Украина гривнаси	▲ 273,10

Муҳокамалар давомида

масъул кўмитага бир қатор таклиф ва тавсиялар берилди.

O'ZLiDeP ФРАКЦИЯСИДА



Қонун лойиҳаси янада такомиллаштирилиши керак

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада <<

Ўз мухбиримиз

Шунинг учун қонун лойиҳаси O'zLiDeP фракцияси аъзолари томонидан ҳар томонлама таҳлил этилиб, муҳокамалар давомида масъул кўмитага бир қатор таклиф ва тавсиялар берилди.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасида кўзда тутилган экологик назорат натижаларини расмийлаштириш, уларни амалга ошириш шакллари, шунингдек, мансабдор шахслар, давлат экологик назоратини йўлга қўйишда ваколатли давлат органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берувчи меъёрлар шулар жумласидандир.

— Биз электорат келиб чиққан ҳолда қонун лойиҳаси талабларини «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқлаштириш лозим, деб ҳисоблаймиз, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Шоира Хайдарова. — Партиямиз лойиҳанинг ана шу нуқтан назардан янада такомиллаштирилиши давлат экологик назорати соҳасидаги ваколатли органлар ва экологик назоратни амалга оширувчи жамоатчилик инспекторлар ҳуқуқларини аниқлаштиришга хизмат қилади, деб ҳисоблайди.

Йиғилишда таъкидланганидек, «Экологик назорат тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши соҳада экологик назорат, тегишли давлат муассасалари ва фуқаролик институтлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг самардорлигини ошириш, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ШИТ ва бошқа жамоат ташкилотларининг таъсирчан фаолият юритишларига кенг имконият яратди. Бундан ташқари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги муҳим давлат дастурларини бажаришга ҳам хизмат қилади. Қолаверса экологик назоратни амалга ошириш механизмлари жамланган ушбу яхлит ҳужжат ШИТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид муҳим давлат дастурлари ижросини таъминлаш учун қулай имконият беради.

Шундан кейин фракция аъзолари «Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунини амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилдилар.

Депутатларнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда фуқароларни давлат ва жамият ишларини бошқаришга кенг жалб этиш, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тако-

момлаштириш орқали уларнинг маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни ҳал этишдаги иштироки учун ҳуқуқий асослар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгиланган вазифалар доирасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича ҳам изчил ишлар олиб борилмоқда. Бунга «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқа-

Электорат вакиллари манфаатидан келиб чиққан ҳолда қонун лойиҳаси талабларини «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқлаштириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

риш органлари тўғрисида»ги ва «Фуқаролар йиғини раиси (оксоголи) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунларнинг янги тахрирда қабул қилинганини исол сифатида кўрсатиш мумкин.

O'zLiDeP фракцияси аъзолари қонун лойиҳасининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ўз ҳудудларида қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилиши, жумладан, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан жамоат назоратини амалга оширишга оид меъёрларига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда партиянинг устувор вазифаларидан келиб чиқиб, O'zLiDeP бундан буён ҳам парламент фаолиятида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мақоми янада оширилиши, уларнинг ролини кучайтириш, ваколатларини кенгайтириш ва моддий базасини мустаҳкамлаш зарурлигига эътибор қартиши алоҳида таъкидланди. Зеро, O'zLiDeP фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамият ва давлатнинг долзарб муаммоларини, биринчи навбатда, маҳаллани аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, ҳисобига жойлардаги муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни самарали ҳал этишга қодир бўлган энг таъсирчан фуқаролик жамияти, деб ҳисоблайди.

Фракция йиғилишида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш — долзарб масала

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада <<

Наргиза КАҲХОРОВА,
Солиҳ ЗОИР,
«XXI asr»

— Дейлик, «Обод турмуш йили» муносабати билан қабул қилинган Давлат дастуридаги 86 банднинг 28 таси бевосита аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, уларнинг иқтидор ҳамда ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароит яратиш, хотин-қизлар ўртасида тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш масалаларига бағишланган, — деди Г.Маърупова.

Шу ўринда айни кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг 40 фоизига аёллар етакчилик қилинаётганини қайд этиш лозим. Таълим, маданият, илм-фан ва соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам уларнинг салмоқли ўрни бор. Жумладан, мамлакатимизда фаолият юритаётган фермер хўжалиқларининг 1500 тасига хотин-қизлар етакчилик қилмоқдалар.

Аёллар тадбиркорлигини босқичма-босқич такомиллаштириш партиямиз учун ҳам низоҳатда муҳим вазифалардан бири, — деди тадбирда O'zLiDeP Спёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Мухлиса Акрамова. — Ҳозирги кунда ички бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдириш, иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш, диверсификациялан, аёллар ўртасида бандлик даражасини ошириш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган 10 дан зиёд партиявий лойиҳа амалга оширилмоқда. «Оилавий тадбиркорликдан — мустақкам оилага», «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари», «Мулкдор оила», «Фермерлик ҳаракати — қишлоқдаги реал мулкдорлар синфи» лойиҳалари шулар жумласидандир.

2013 йилнинг ўтган тўққиз ойида «Оилавий тадбиркорликдан — мустақкам оилага» лойиҳасида 11404 нафар аёл иштирок этиб, уларнинг 80 нафарига 3 млрд. 888 млн. 70 миң сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Натижада 336 та янги иш ўрни ташкил этилди.

— O'zLiDeP «Аёллар қаноти» томонидан ишлаб чиқилган «Оилавий тадбиркорликдан — мустақкам оила-



Ҳозирги кунда ички бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдириш, иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш, аёллар ўртасида бандлик даражасини ошириш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган 10 дан зиёд партиявий лойиҳа амалга оширилмоқда.

«Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳалари доирасида амалий учрашувлар, семинар-тренинглари оила-иқтисодиётнинг таъминлаш, диверсификациялан, аёллар ўртасида бандлик даражасини ошириш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган 10 дан зиёд партиявий лойиҳа амалга оширилмоқда.

деди Бухоро муҳандислик-технология институти «Менежмент» кафедраси ўқитувчиси Саломат Норова. — Шу нуқтан назардан «Ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъмин-

лашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти» мавзусидаги илмий мақолада партиянинг Аёллар ва Ёшлар билан ишлан бўлимлари ташаббуси билан ўтказилган лойиҳалар аҳамиятини ифодалашга ҳаракат қилдим.

Тадбир давомида жамоат бирланишлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари, шунингдек, бошқа фуқаролик институтларининг давлат ва жамият ҳаётига оид ижтимоий дастур-

ларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, хусусий мулкчилик соҳасидаги илгор ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг ушбу жараёндаги иштирокни янада кенгайтириш масалалари юзасидан ҳам ўзаро фикр алманилди.

— Бугун мамлакатимизда 6 миңдан зиёд нодавлат ноижорат ташкилотли фаолият кўрсатмоқда, — деди биз билан суҳбатда ЎзМУ Фалсафа факультетининг «Ижтимоий фалсафа» кафедраси катта илмий ходими, изланувчи Умида Темирова. — Улар аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, ҳуқуқий оғ ва маданиятни юксалтириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, маданият ва спорт, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим, табиати муҳофаза қилишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишда ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

Бугунги тадбир яна бир бор аёллар тадбиркорлигининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрнини таҳлил этиш, бу борадаги ишларни янада жонлантириш, айрим масалаларга жавоб олиш имконини бергани билан ҳам муҳим бўлди, деб ҳисоблайман.

Маълумки, «Обод турмуш йили» Давлат дастурини ҳаётага таъбиқ этиш доирасида хотин-қизлар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилалар фаровонлигини ошириш мақсадида аёлларни тадбиркорликка йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай муҳим вазифалар ижросини таъминлашда бошқа партияларга нисбатан O'zLiDePнинг етакчилиги қилаётгани табиий ҳол, албатта. Зеро, тадбиркор ва ишбилармонлар манфаатини ҳимоя қилаётган партиянинг шу йўл билан жамиятимизда ижтимоий барқарорликка муҳим ҳисса қўшаётти. Шу билан илмий изланишларини «Ижтимоий барқарорликни таъминлашда тадбиркор хотин-қизларнинг ўрни» мавзусида бағишладим.

«Аёллар қаноти»нинг устувор вазифаларидан бири Ўзбекистонда нафақат аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, балки улар фаолиятига ҳалакат бераётган айрим бахтли масалаларни аниқлаш ва бартараф этишдан ҳам иборат, дейди O'zLiDeP Избоскан туман кенгаши аппарат раҳбари Сурайё Мухамедиева. — Партиянинг бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликдаги фаолиятида ҳам бу масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги олимпиада билан уюштирилган мулоқот эса фаолиятимизни янада жонлантиришга хизмат қилди.

Бир сўз билан айтганда, аёллар тадбиркорлиги масалаларига бағишланган навбатдаги анжуман ҳам O'zLiDePнинг ўз фаолиятини яна бир бор таҳлил этиш ва келгуси вазифаларни белгилашга хизмат қилди. Форум иштирокчилари куннинг иккинчи ярмида шўбалада бўлиниб, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, бизнеснинг давлат ва жамият ҳаётидаги ижтимоий аҳамиятини ошириш, фуқаролик институтларининг аҳамияти каби мавзулар юзасидан баҳс-мунозара юритдилар.

Анжуманда O'zLiDePнинг тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятини кенгайтириш ва янада такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди.

ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон — Латвия бизнес-форуми

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 13 ноябрь куни Ўзбекистон ва Латвия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбир Ўзбекистон — Латвия савдо-иқтисодий ва сарможий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Унда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, банк-молия, таълим, озиқ-овқат, сайёҳлик, фармацевтика, тўқимачилик каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазир Элёр Фаишев Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил октябрь ойида Латвия Республикасига давлат таърифига мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни янги мазмун билан бойитиб, фаол ҳамкорликни янада юқори босқичга олиб чиқди.

Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги ҳамкорлик мустақкам ҳуқуқий асосга эга. Савдо-саноат, сармоя, транспорт ва транспорт коммуникациялари, сайёҳлик, стандартлаштириш, фан-таълим каби кўплаб соҳалар бўйича ҳамкорликка оид битимлар имзоланган. Савдо, иқтисодиёт ва саноат соҳасида Ўзбекистон билан Латвия ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган.

Мамлакатларимиз савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантириш борасида улкан салоҳиятга эга. Ўзаро товар айирбошлаш ҳамжи мунтазам ошмоқда. 2012 йилда бу кўрсаткич қарийб 20 фоиз ўсиб, 246 миллион АҚШ долларидан ошди, 2013 йилнинг январь-ноябрь ойларида эса 126 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистонда Латвия сарможаси иштирокида тузилган йиғирма икки қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Латвияда эса мамлакатимиз компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилган қирқдан ортиқ корхона ишлаб турибди. Улар мебеласозлик, тўқимачилик, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, нефтни қайта ишлаш, полиграфия, логистика, улгурчи савдо ва хизмат кўрсатиш каби соҳаларга ихтисослашган. Юртимизда Болтиқбўйидаги ушбу мамлакатнинг ўрта етакчи компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Ўзбекистон Латвияга юқори сифатли пахта толаси, мотор мойлари, фармацевтика маҳсулотлари ва бошқа товарлар етказиб беради. Латвия мамлакатимизга ускуналар, транспорт воситалари, пластмаска экспорт қилади, шунингдек, логистика хизмати кўрсатади.

— Мазкур бизнес-форум икки мамлакат ишбилармонлари ўртасида амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун яна бир қулай имкониятдир, — деди Латвия Республикаси транспорт вазир Пийриис Маттес. — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг жорий йилнинг октябрь ойида Латвияга давлат таърифи чоғида транспорт ва юклар транзити, савдо ало-

қаларини кенгайтириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, инвестициявий ҳамкорликка оид имзоланган қатор ҳужжатлар ушбу соҳалардаги алоқаларни янада фаоллаштиришда муҳим омили бўлмоқда. Мамлакатларимиз транспорт, транзит юк ташини, авиаташув каби соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш борасида катта салоҳиятга эга.

Форумда латвиялик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодий-иқтисодий сармоя жалб этишнинг муҳим йўналишлари ҳақида маълумот берилди. Мехмонлар юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб бораётган ислохотлар самараларини, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва «Ангрен» маҳсул индустриал зонасида сармоядорлар учун яратилган қулайлик, имконият ва имтиёзлар билан атроф-иқтисодий хизмат қилди.

Анжуманда икки мамлакат ўртасида савдо, иқтисодиёт, сармоя, транспорт ва логистика, темир йўл, тўқимачилик, озиқ-овқат каби соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, Латвия компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Латвия ишбилармонлари иштирокида кооперация биржа ўтказилди. Унда Латвия ишбилармонлари ўзбекистонлик шериклар билан биргаликда ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишиб олдилар.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎА мухбири.

Хусусий секторнинг экспортдаги улуши 2013 йилнинг ўтган даврида 19,1 фоизга ўсди.

Олий мақсад сари ташланган навбатдаги қадам

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Ўз мухбиримиз

Буни январь-сентябрь ойлари давомида ялпи ички маҳсулот ҳажми 8,1 фоизга ўсганида ҳам кўриш мумкин. Шу ўринда 2012 йилнинг 9 ойига нисбатан истеъмол моллари 115,9, кишлоқ хўжалик маҳсулотлари 106,8, қурилиш 119,2, чакана савдо айланмаси 114,7, пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми эса 113 фоизга ўсгани кайд қилинапти. Таҳлилчилар ҳудудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир комплекс дастурлар ижроси қатъий назоратга олингани боис жойларда бунёдкорлик ишлари жадал олиб борилаётгани, аҳолини иш билан таъминлаш имкониятлари тобора кенгаётгани, энг асосийси, янги иш ўринлари яратишга салмоқли хисса қўшаётган йирик корхоналар барпо этилиб, уларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш изчил йўлга қўйилганини кайд этмоқдалар.

Шу ўринда саноат соҳасида 9,4 фоиз ўсшига эришилгани мамлакат иқтисодиёти барқарорлигидан далолатдир. Энг муҳими, ана шундай саъй-ҳаракатлар натижа-сида аҳолининг жами даромади 19,9 фоизга ошди.

Эришилган натижаларни таҳлил этиш жараёнида 1089 та маҳаллийлаштириш лойиҳаси бўйича 8,7 триллион сўмлик ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баробар кўп маҳсулот ишлаб чиқарилганига оид кўрсаткич, шубҳасиз, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар тадрижий тарзда олиб борилаётганини кўрсатади.

Яна бир рақам диққатни ўзига жалб этади. Ҳисобот даврида илгари ўз маҳсулоти билан дунёга чиқмаган 469 та корхона экспорт фаолиятига жалб этилган. Хўш, бундай ўсеш ва ўзгаришларнинг асосий омиллари нимада? Биринчи галда Президентимиз фармон ва қарорлари, Олий Мажлисда қабул қилинаётган қонунларда хусусий сектор учун

имтиёз ва имкониятлар тизими яратилгани бунинг бош омилдир. Иқтисодчилар мамлакатимизда товар ва хизматлар экспорти ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13 фоизга ошганини

— Айни пайтда иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш ва хусусий мулк қўламини кенгайтириш мақсадида хусусий сектор эгаларига қўшимча имтиёз ва имкониятлар берилгани ўрта син-

хаётида яққол хис этаёпти. Айниқса, истиқлол туфайли пайдо бўлган синф вакиллари бу жараёнларга юқори баҳо бермоқдалар.

— Хусусий мулк ва мулкдорларга нисбатан қарашлар, муносабатлар ўзгаргани, қисқа қилиб айтганда, одамлар онгидида янгила-нишлар ўтган 22 йил давомида эришган энг катта ютуғимиз бўлди, — дейди самарқандлик тadbirkor Одилжон Умматалиев. — Бугун тadbirkor, мулкдор номи фахр билан тилга олинаёпти.

Чиндан ҳам Ўзбекистонда хусусий сектор ўз тараққиёти-нинг ойдин йўлидан дадил одим-ламоқда. Тadbirkor давлат таш-килоти билан, хусусий мулк дав-лат мулки билан рақобатлашаёпти. Буни иқтисодиётда давлат иштирокининг тобора камайиб, аксинча, хусусий секторга кенг йўл берилаётганида ҳам кўриш мумкин. 2012 йилнинг тўққиз ойида хусусий секторнинг экс-портдаги улуши 13,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йил-нинг ўтган даврида бу кўрсат-кич 19,1 фоизга етди. Бу ўзбе-кистонлик тadbirkorлар маҳсу-лоти дунё бозоридан муносиб жой эгаллаётгани, гурури баланд ишбилармонларимиз ҳеч қимдан кам эмасликларини исботлаётган-ликларига мисолдир. Айни пайт-да иш билан банд аҳолининг 75 фоиздан ортигич кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик тузилма-ларида фаолият олиб бораётган-ликларига ҳам кўриш мумкин. Тadbirkor ва ишбилармонлар ман-фаатини химоя қилаётган сиёсий партия вакили сифатида шуни айтишим керакки, мулк масала-си ва унга бўлган муносабат бар-ча соҳа ҳамда тизимларда амалга оширилаётган ислохотлар нати-жаси билан чамбарчас боғлиқ эканини ҳисобот давридаги на-тижалар ҳам кўрсатиб турибди.

Дарҳақиқат, дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан муносиб жой эгаллаётган Ўзбе-кистонда мустақилликнинг даст-лабки йилларидаёқ танланган тараққиёт йўли бекиёс натижалар бермоқда. Энг муҳими, бунинг исботини ҳар бир фуқаро ўз

Қонун

оила институтини янада такомиллаштириш учун мустақкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНING 21 ЙИППИГИГО

Оила фуқаролик жамиятининг таянч нуқтасидир

Маълумки, ҳар қандай давлат ва жамият тараққиёти, энг аввало, оилалар аҳиллиги ва фаровонлиги билан белгиланади. Ушбу муқаддас даргоҳда ҳаёт гултожи саналган инсон дунёга келиб, маънан ва ахлоқан тарбия топади. Демакки, оила биз барпо этаётган кучли фуқаролик жамиятининг таянч нуқтасидир.



Робахон АбдураСУЛОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, О'зЛиДеП фракцияси аъзоси

Шунинг учун ҳам мустақиллик-нинг дастлабки йилларидаёқ мам-лакатимизда соғлом оилавий муҳит-ни шакллантириш, ҳар томонлама етук авлодни камол топтиришга дав-лат даражасида эътибор қаратилмоқ-да. Бу жараённинг ҳуқуқий асоси эса Асосий қонунимиз — Ўзбекистон Рес-публикаси Конституциясидир.

Унда миллий қадриятларимиздан келиб чиққан ҳолда, ота-оналарга фарзандларини улар воёга етгунига қадар таъминлаш ва тарбиялаш, ўз навбатида воёга етган, меҳнатга лаё-қатли фарзандларга ота-оналари ҳақида мамхўрлик қилиш мажбурия-ти қонуний асосда белгилаб қўйил-ган. Бу эса бошқа давлатлар консти-туциясида учрамайдиган алоҳида жиҳатдир.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида оиланинг жамиятдаги ма-вқени янада мустақкамлаш, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий жи-ҳатдан қўллаб-қувватлаш, ота-она-ларда тиббий маданиятни шаклланти-риш, шу тарикка соғлом фарзандни дунёга келтириш ва уни баркамол инсон этиб тарбиялаш учун барча таш-килий-ҳуқуқий шароитлар яратилди. Конституцияимизнинг 63-моддасида «Оила жамиятнинг асосий бўлишидир» қилиб таъкидланади, қўшимча иш ўринлари яратиш, оила институтини янада та-комиллаштириш учун мустақкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқ-да.

Бош Қомусимизнинг асосий қоидаларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинган Оила кодекси эса жамиятимизда маънан ва жисмонан соғлом авлодни воёга етказиш, эр-хотин, ота-она, болалар ҳамда қарин-дошлар ўртасидаги муносабатлар-нинг ҳуқуқий асосларини янада мус-тақкамлашга хизмат қилмоқда. Унда миллий қадриятларимиз, қадимий анъаналаримизнинг асл моҳияти ўз ифодасини топган бўлиб, оилавий со-ғлом муҳит аслида меҳнат, шаҳс, ахлоқ муштараклиги негизда вужуд-га келиши алоҳида кайд этилади.

53-моддада эса хусусий мулк бо-шқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат химоясида эканлиги қафолат-

лаб қўйилгани, бу ҳам оилаларнинг иқтисодий барқарорлигини таъмин-лаш ҳамда фаровонлигини ошириш-да муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқ-да.

Кейинги йилларда Президентим-из томонидан фуқаролар даромади-ни кўпайтириш, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш, тadbirkorлик, касаначилик, оилавий бизнесни рив-ожлантиришга қаратилган бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилин-ди, улар асосида ишлаб чиқилган мақсадли дастурлар ҳаёта изчиллик билан таъбиқ этилаётганлиги туфай-ли фуқароларимиз ўз оилалари тўқиллигини таъминлаш имконига эга бўлмоқдалар.

Аслида мустақилликнинг даст-лабки йилларидаёқ мамлакатимизда-ги 3,3 миллионга оила илк бор ўз ер участкаларига эга бўлгани, томорка-ларнинг ўртача микдори 20 сотихдан оширилгани ҳам муҳим ижтимоий воқеалардан бири саналади. Зеро оила мустақкамлиги, унинг иқтисо-дий барқарорлиги кўп жиҳатдан мод-дий манфаатдорликка боғлиқдир. Шу боисдан ҳам кичик бизнес ва яқка тadbirkorликнинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлиши оилавий тadbirkorлигини ривожлантириш, унинг конституциявий асосларини такомил-лаштиришга тобора катта аҳамият қаратилмоқда.

Шубҳасиз, оилавий бюджет тўқис-лигини таъминлашда эр-хотин ҳал қилувчи роль ўйнайди. Айниқса, аёл жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси си-фатида оналик ва бекалик бурчини адо этиши керак. Бинобарин, у оила-вий тотувлик ва барқарорликдан ҳам-мадан кўра кўпроқ манфаатдор.

Аёлларнинг жамиятдаги ижтимо-ий мавқени ошириш, уларнинг куч ва имкониятларидан тўлароқ фойда-ланиш ҳақида алоҳида мамхўрлик қўрсатилаётганлиги ҳам бежиз эмас. Натижада хонадонларимиз фаришта-си саналадиган хотин-қизларнинг аксарияти ўз касб-ҳунари орқали уй меҳнати билан шуғулланиб, оила бюд-жетини, демакки, мамлакат иқтисо-диётини мустақкамлашга муносиб хисса қўшмоқда. Бу ҳам бўлса, Кон-ституцияимизнинг яна бир шарофати-дир.

2012 йилда қабул қилинган «Оилавий тadbirkorлик тўғрисида»-ги қонун эса оилавий бизнесни ом-малаштириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, оила институтини янада та-комиллаштириш учун мустақкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқ-да.

Шу ўринда Юртбошимиз томонидан ҳар бир йилга алоҳида ном берилишида ҳам ўзига хос рамзий маъ-но, оилага бўлган юксак эҳтиром му-жассам, десак муволафа бўлмайди. 2013 йилнинг «Обод турмуш йили» деб белгиланганлиги ва алоҳида Дав-лат дастурининг қабул қилинганли-ги ҳам тасодиф эмас. Бу эса оила ин-ститутини янада ривожлантириш, унинг ҳуқуқий ва ижтимоий химоя-сини таъминлаш тобора устувор аҳамият касб этаётганидан далолат беради. Зеро, оила соғлом экан — жамият мустақкам, жамият мустақ-кам экан, мамлакат барқарордир.

Депутатлик сўровидан унумли фойдаланаямиз

Халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашидаги Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари доимий комиссиясида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолига тиббий, маданий-маиший, транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш масалалари изчил муҳокама этилиб, бу борада аниқ вазибалар белгиланмоқда

Умида РУСТАМОВА, О'зЛиДеП Бухоро вилоят кенгашининг депутатлар билан ишлаш сектори мудири

Маълумки, ёшларнинг чуқур билим олиб, ўз истеъодларини тўла намоён этишлари учун таълим тизимидаги ислохотлар, айниқса, «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Соҳа мутасаддиларининг фикрича, 2013 йили вилоятда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш манзилли дастурига мувофиқ олий ўқув юрталари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлаштириш бўйича олиб борилаётган тadbirkorлар самарадорлиги масаласи ҳам комиссия аъзолари томонидан атрофлича муҳокама этил-

моқда. Шу ўринда 80 та касб-ҳунар коллежини 24459 нафар ёшлар битириб чиққани, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари, манфаатдор идоралар билан биргаллик уларни ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш учун уч томонлама шартномалар тузилганини айтиш мумкин.

Доимий комиссия ва О'зЛиДеП депутатлик гуруҳи саъй-ҳаракати билан вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида тузилган махсус гуруҳ эса ҳар бир битирувчига диплом топирилгандан кейин уни ишга жойлашгунгача бўлган жараёни қатъий назорат қилмоқда.

— Комиссия аъзолари депутатлик сўровидан ҳам унумли фойдаланмоқда-лар дейди комиссия

раиси, О'зЛиДеП депутатлик гуруҳи аъзоси С.Раҳмонов. — Агар 2011-2012 йиллар давомида 130 та депутатлик сўровида кўтаришга долзарб масалаларнинг 114 таси ижобий ҳал этилган бўлса, 2013 йилнинг 10 ойида 11 та депутатлик сўровининг 7 таси бўйича ана шундай ижобий натижа кайд этилди.

Масалан, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати, О'зЛиДеП депутатлик гуруҳи аъзоси Насиба Йўлдошеванинг сайловчилар билан учрашувлари чоғида Чекирчи МФЙ ҳудудидаги йўлни таъмирлаш масаласи кўтаришга эди. Туман йўл таъмирлаш ташкилоти идорасига юборилган депутатлик сўровига мувофиқ, 1,5 км. масофадаги йўл қайта таъмирланиб, аҳоли талаби қондирилди.

Бундай мисоллар кўп, албатта. Умуман, 2012 ва 2013 йилнинг ўтган дав-

рида комиссия аъзолари томонидан жойларда сайловчилар билан 147 та учрашув ташкил этилиб, жами 262 та ёзма ва оёз-ки мурожаат кўриб чиқилди ва уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди. Депутатлар ўз фаолиятлари юзасидан ОАВ орқали сайловчиларга доимий тарзда ахборот беришни ҳам йўлга қўйганлар. Масалан, 2013 йилнинг ўтган даврида комиссия аъзоларининг 210 дан ортиқ ма-қола, ахборот ва ТВ орқали интервьюлари эълон қилинган.

Бир сўз билан айтганда, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белги-ланган вазибалар ижросини таъминлашда халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашидаги О'зЛиДеП аъзоси етакчилик қилаётган Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари доимий комиссияси аъзолари ҳам фаол иштирок эт-моқдалар.

РАЪБАТ

КИМГА «КАПТИВА», КИМГА «ЛАСЕТТИ»

Тошкент вилоятида пахта ва галла етиштириш бўйича юқори натижаларни кайд этган фермерлар «Ласетти», «Каптив» ва «Дамас» автомобиллари билан тақдирландилар. 40 еттихердан юқори ҳосил етиштирган кишлоқ мулкдорлари рўйхатидан Бўка туманидаги «Офарин-Мойтепа» фермер хўжалиги раҳбари Бойназар Бобоқулов, Ўртачирчиқ туманидаги «Ҳабиб-Ориф-Агро» фермер хўжалиги бошлиги Акмал Нигматуллаев, Қуйичирчиқ туманидаги «Акбархон-Баҳоқирхон» фермер хўжалиги раҳбари Баҳоқирхон Аҳмедов ўрин олган.

— Вилоят ҳокимлигининг бундай ташаббуси бизни янада кўпроқ ҳосил олиш, даромад салмоғини ошириш, қўшимча иш ўринлари яратишга ундайди, албатта, — дейди «Ҳабиб-Ориф-Агро» фермер хўжалиги раҳбари Акмал Нигматуллаев. Зиёдулла МУМИНОВ.

БИР ҲОВУЧ ДУР

Анушервон одил Бузургмеҳрдан:
— Энг яхши яшаш қандай яшаш? — деб сўради.
— Саломат бўлиш ва хотиржам яшаш — энг яхши яшаш. Лекин яхши ном қолдириш абадий яшашдир, — дея жавоб берди у.

●●●

Абдуллоҳқабл Фиждувонийдан сўрадилар:
— Кўнгил фароғати нимадан ҳосил бўлади?
— Кўнгил фароғати унинг поқлигида. Агар қайси кўнгилда дунё молидан заррача таъма бўлмаса, ўша кўнгил фароғатда бўлади.

«Микрокредит банк»дан 2 370000 сўмлик имтиёзли кредит олдим.

Вилоят аҳолисининг 2 миллионга яқини 35 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ



Ёшлар жамиятнинг энг ташаббускор қатламидир

О'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими томонидан 2013 йилнинг 9 ойида элликка яқин тадбир ташкил этилиб, уларга уч минг саккиз юз нафар фаол ёшлар жалб қилинди

Шухрат РАҲИМОВ, «XXI asr»

Бунда асосий эътибор ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ўз бизнесини ташкил этиш учун иқтисодий-ҳуқуқий шароит яратиш ва ижтимоий-сиёсий фаолликларини ошириш, қучли фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнидаги иштирокини кенгайтиришга қаратилди.

О'zLiDePнинг ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликдаги ишларида ҳам ана шу устувор йўналиш алоҳида эътиборда. Хусусан, 2012-2013 ўқув йилида вилоятдаги 75 та касб-хунар коллежини тамомлаган 18 288 нафар битирувчининг бандлигини таъминлаш учун 683 та корхона ва ташкилот раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда маҳаллий кенгаш депутатлари масъул этиб бириктирилди.

Бир сўз билан айтганда, Жиззахда ёшлар бандлигини таъминлашга катта эътибор қаратиляпти. Энг муҳими эса вилоятда ёшлар тадбиркорлиги ҳам жадал ривожланиётган.

Шу ўринда 7417 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектининг 1783 тасига О'zLiDePнинг ёш аъзолари етакчилик қилишга ташаббусини ҳам айтиб ўтиш лозим. Бу эса кичик бизнеснинг яқин ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришидаги улуши 62,4 фоиз, экспортдаги хиссаи 53,4 фоиз, бандликдаги улуши 80,7 фоизга етишида партиянинг электоратининг алоҳида хизмати борлигини кўрсатади.

Хусусан, тижорат банклари билан ҳамкорлик ўрнатилгани муваффақиятлар омили бўлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. 2013 йилнинг 9 ойи якуни бўйича О'zLiDeP кўмагида 374 нафар битирувчи тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун тижорат банклари томонидан 1 млрд. 281 млн. сўм кредит ажратилиб, шу хисобдан 386 та янги иш ўрни яратилгани ҳам бежиз эмас.

О'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши мутасаддилари мавжуд 8168 нафар аъзонинг 5037 нафари, яъни 61,6 фоизини 34 ёшгача бўлганлар ташкил этаётганини ҳам алоҳида таъкидлашди. Шунингдек, вилоятдаги 399 та бошланғич партия ташкилотининг 90 тасига айнан ёшлар раҳбарлик қилишмоқда.

Ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларга ўз бизнесларини

йўлга қўйишда О'zLiDePнинг лойиҳалари муҳим ўрин тутаятгани кайд этиляпти. Хусусан, «Ишбилармон талаба» кўрик-танловининг 2012 йилги туман (шаҳар), вилоят босқичлари доирасида академик лшай ва касб-хунар коллежларининг 300 нафарга яқин талабаси қамраб олинган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 50 нафарга кўпайди.

Бундай ўсиш-ўзгаришларни партиянинг ёшларга оид «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси мисолида ҳам кўриш мумкин. 2012 йилда мазкур лойиҳанинг туман (шаҳар) ва вилоят босқичлари доирасида ташкил этилган ўқув-семинарлар орқали олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг 600 нафар битирувчиси қамраб олинган бўлса, 2013 йилда ушбу кўрсаткич салкам 660 нафарга етди.

Ўтган йил «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасининг вилоят босқичида 79 нафар иштирокчига тижорат банкларидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат тошпирилган бўлса, жорий йилда 66 та бизнес-режа тижорат банкларининг 276 млн. 960 минг сўмлик имтиёзли кредити ҳисобига молиялаштирилган бўлди. Энг муҳими, ҳозирнинг ўзида ана шу бизнес-режаларнинг 34 таси (қиймати 147 млн. 460 минг сўм) амалга оширилиши натижасида битирувчилар томонидан 51 та янги иш ўрни яратилди.

О'zLiDeP лойиҳалари биз учун катта ёрдам бўляпти, — дейди Ҳалорол туманидаги Лалмикор санат касб-хунар коллежини тамомлаган ёш тадбиркор Шохиста Абдуғаниева. — Мен ҳам бу йил «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасида «Тикувчилик фаолиятини ташкил қилиш» бўйича ишлаб чиқилган бизнес-режа билан қатнашиб, «Микрокредит банк»дан 2 370 000 сўмлик имтиёзли кредит олдим.

«Ишбилармон талаба» лойиҳасида кулчилик бўйича тайёрлаган ишларим билан қатнашиб, стипендия совриндори бўлдим — дейди Жиззах туманидаги иқтисодий коллежини битирган Дилфуза Туропова. — Мазкур стипендия ижодий фаолиятим учун муносиб мулофот бўлди. Мен ҳозирги кунда қадимий анъаналарни ўзида акс эттирган кулчилик билан бирга қандакорлик санъати билан ҳам шуғулланмоқдам.

Ёшлар жамиятнинг энг ҳаракатчан ва ташаббускор қатлами, — дейди О'zLiDeP вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Олим Норжигитов — Бинобарин, мамлакатнинг тараккиёт даражаси ижтимоий-сиёсий жараёнларда ёшларнинг қанчалик фаол иштирок этиши билан белгиланади. Жиззахда ёшлар учун яратилган шароитлар ва улар томонидан қўлга киритилаётган ютуқлар бу фикрнинг амалдаги тасдиғи бўлиши мумкин.

Ишончни оқлаш учун масъулиятни кучайтирамиз

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Зиммамиздаги юксак партиявий бурчдан келиб чиқиб, электорат ишончини қозонишга ҳаракат қилаёلمиз, дейди М.Холмухаммедов биз билан суҳбатда. Мақсадимиз юрт раънақи, халқ фаровонлигига муносиб ҳисса қўйишдир. Сиёсий таълим маркази, Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш бўлими, «Аёллар» ва «Ёшлар» қанотлари ҳам ўз режалари асосида партия Дастури ва Сайловолди платформасида белгилаб олинган вазифалар ижросини таъминлашда фаол иштирок этмоқда.

— Сиз жамиятни янгилаш ва модернизациялаш жараёнида жамоат ташкилотлари, жумладан, сиёсий партиялар зиммасига катта масъулият юклатилганини таъкидладингиз. Шундан келиб чиқса, ҳозирги кунда О'zLiDeP ва унинг қуйи бўғинлари олдидаги энг асосий вазифалар нималардан иборат, деб ўйлайсиз?

— Бу, шубҳасиз, сиёсий партиялар учун яратиб берилган қулай шароит ва вақолатлар асосида кенг қўлдан олишмоқда. Давлат дастурлари ижросини таъминлашда фаол иштирок этишдир. Қолаверса либерал-демократик ғояларнинг афзаллиги, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётимиздаги моҳиятини кўрсатиб беришдан иборат. Ёшлар келажак таянчи эканлигини назарда тутиб, улар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, тадбиркорлик ва фермерлик фаолиятига оид билим ҳамда кўникмаларини такомиллаштиришга ҳаракат қилаёلمиз.

Чунончи, жорий йил апрелида ҳамкор ташкилотлар билан йирик партиявий лойиҳалар тақдимида бағишланган «Мулкдор оила» — фаровон жамият бунёдкори» мавзусида форум ўтказдик. Унда вилоятдаги йирик суғурта компаниялари, ўндан ортик тижорат банки ўз кўрағамаси билан иштирок этди. Ушбу лойиҳанинг вилоят босқичида 54 нафар йигит-қизга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар тошпирилди. Ўтган йили мазкур лойиҳа иштирокчиларидан 20 нафарга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун 287 млн. 750 минг сўм миқдорда сармоя ажратилди. Натижада 80 дан зиёд қўшимча иш ўрни ташкил этишга эришилди.

Кези келганда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Самарқанд ҳудудий бўлинимаси билан ҳамкорликда ўтказилган «Фермер хўжаликларининг хизмат кўрсатиши, таъминот ва тайёрлов ташкилотлари билан шартномавий муносабатлари: муаммо ва счмлар» мавзусида амалий мулоқот асосий электоратимиз бўлган қишлоқ мулкдорлари учун жуда муҳим тадбир бўлди, дейиш мумкин. Соҳанинг етакчи мутахассислари қатнашган тадбирда аграр секторда ечимини кутаётган айрим масалалар юзасидан атрафлича фикр юритилди. Жумладан, шартномавий муносабатларни такомиллаштириш, фермерларнинг ҳуқуқий билим ва маънавиятини ошириш, мавжуд меъёрий-ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш, чунончи, Ер, Солиқ кодекси, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масалалари муҳокама этилди.

Хусусий сектор вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш бўйича ҳам О'zLiDeP вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари изчил чоралар кўрмоқда. Бу жараёнда фермер ва тадбиркорлар, оилавий корхона эгалари мурожаатларига бирламчи эътибор қаратаёلمиз. Мана, бир мисол. Ургант туманидаги «Озоджон-Юсуф» хусусий корхонаси раҳбари Ю.Шарипов электр энергияси таъминотидаги узил-чилларга чек қўйишда ёрдам сўраган эди. Муаммони ҳал этиш учун «Ўзбекэнерго» ДАК раҳбариятига чиқдик. Натижада корхо-

на асосий электр тармоғига улашиб, энергия қувватининг узлуксизлиги таъминланди.

Айтиш жоизки, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» ҳамда «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгилаб олинган вазифаларни рўёбга чиқариш учун амалдаги қонунлар ижроси қатъий назорат қилинапти. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз билан ҳамкорликда янги қонун лойиҳалари бўйича жойларда муҳокама-лар ўтказаямиз. Кейинги тўққиз ой мобайнида Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитасининг битта сайёр йиғилиши, шунингдек, долзарб масалалар юзасидан ўнлаб семинар ва давра суҳбатлари, партиявий лойиҳалар юзасидан эса амалий мулоқотлар ташкил этилди. Уларда фермер ва тадбиркорларнинг кенг аудиториясини қамраб олишга ҳаракат қилинди. «Мулкдор оила» лойиҳаси доирасидаги тадбирларда эса 400 нафардан ортик оилавий тадбиркор, деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этиб, уларнинг 66 нафари вилоят босқичида қатнашиш имкониятини қўлга киритди. ОАТБ «Агробанк» ва «Микрокредитбанк» филиаллари томонидан қўллаб-қувватлаш 1 млрд. 420 млн. 660 минг сўм миқдорда кредит ажратилди. Бунинг самараси ўлароқ туман ва шаҳарларда 202 та қўшимча иш ўрни барпо этилди.

— Кейинги йилларда Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан ҳам бир қатор истиқболли лойиҳалар рўёбга чиқарилаётганидан хабардормиз. Бинобарин, партия фаолиятида «Аёллар қаноти»нинг алоҳида ўрни бор, десак хато бўлмайди. Шундай эмасми?

— Айни пайтда вилоятимизда 3 миллиондан зиёд киши истискомат қилаётганини, уларнинг 1 595 500 нафарини хотин-қиз ташкил этишини инобатга олсак, бу масала О'zLiDeP учун қанчалар муҳим экани аён бўлади. Опа-сингилларимизнинг 7367 нафари эса партия аъзосидир. Бу, шубҳасиз, катта куч. Шундай экан, жамият тараккиётида хотин-қизлар иштирокини кенгайтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Жорий йилнинг тўққиз ойида ҳам аёллар фаолиятига оид 144 та тадбир ўтказилиб, уларда 8978 нафар опа-сингилмиз қатнашди. Ушбу мавзуда сўз бораркан, рақамларга қайта ва қайта мурожаат этишга тўғри келади. Ҳозирги кунда вилоятда тадбиркорлик ва фермерлик фаолияти билан шуғулланаётган хотин-қизлардан 503 нафари О'zLiDeP аъзосидир. Шунингдек, ўзини ўзи бошқариш органларининг 93 тасига бевосита аёллар раҳбарлик қилишмоқда. Бу хали ҳаммаси эмас. 2012 йилда вилоятдаги 761 та бошланғич партия ташкилотидан 123 тасига хотин-қизлар етакчилиги қилинган бўлса, жорий йилга келиб улар сони 131 нафарга етди. Яна бир рақам: 2012 йилда



«Аёллар қаноти» гуруҳлари томонидан ҳамкор ташкилотлар иштирокида «Тадбиркорлик таъминоти» ва «Исламий лойиҳалар» ҳамда «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгилаб олинган вазифаларни рўёбга чиқариш учун амалдаги қонунлар ижроси қатъий назорат қилинапти. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз билан ҳамкорликда янги қонун лойиҳалари бўйича жойларда муҳокама-лар ўтказаямиз. Кейинги тўққиз ой мобайнида Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитасининг битта сайёр йиғилиши, шунингдек, долзарб масалалар юзасидан ўнлаб семинар ва давра суҳбатлари, партиявий лойиҳалар юзасидан эса амалий мулоқотлар ташкил этилди. Уларда фермер ва тадбиркорларнинг кенг аудиториясини қамраб олишга ҳаракат қилинди. «Мулкдор оила» лойиҳаси доирасидаги тадбирларда эса 400 нафардан ортик оилавий тадбиркор, деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этиб, уларнинг 66 нафари вилоят босқичида қатнашиш имкониятини қўлга киритди. ОАТБ «Агробанк» ва «Микрокредитбанк» филиаллари томонидан қўллаб-қувватлаш 1 млрд. 420 млн. 660 минг сўм миқдорда кредит ажратилди. Бунинг самараси ўлароқ туман ва шаҳарларда 202 та қўшимча иш ўрни барпо этилди.

— Ёшлар билан ишлаш бўлими фаолиятига ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Бугун вилоятда партияимизнинг 19090 нафар аъзоси бўлиб, уларнинг 3634 нафари 18-24 ёшли, 5506 нафари 25-34 ёшли йигит-қизлардир. Энг муҳими, бошланғич партия ташкилотларидан 131 тасига навқирон авлод вакиллари етакчилик қилишмоқда. Ўтган йил Ёшлар билан ишлаш бўлими учун ҳам мазмунли, айни пайтда салмоқли натижалар йилга бўлди, дейиш мумкин. Масалан, ташкил этилган жам тадбирларда 10099 нафар йигит-қиз иштирок этди. Бунда асосий эътибор ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни Ванганга садоқат, миллий урф-одатларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳамда либерал-демократик ғояларни янги авлод вакиллари ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилди.

Ушбу тузилма томонидан жорий йилнинг ўтган даврида жойларда долзарб мавзудар юзасидан 20 та учрашув, давра суҳбати ва анжуман ташкил этилди. «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси ҳам яқин акс-садо бермоқда. Лойиҳа доирасидаги семинар-тренинглардан кейин бир гуруҳ иқтидорли ёшларга тижорат бан-

кларидан кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар тошпирилди. Лойиҳанинг туман ва шаҳар босқичларида муваффақиятли қатнашган йигит-қизлардан 60 нафари вилоят ҳамда республика танловларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Маълумотларга қараганда, ҳозиргача 82 нафар ёш тадбиркор тижорат банкларидан 253380000 сўм миқдорда имтиёзли кредит олиб, ўз бизнесини йўлга қўйиш имконига эга бўлган.

— Яқин келажакда ёшлар масаласида яна қандай партиявий режаларни амалга ошириш қўзда тутилмоқда?

— Ҳозирда вилоят аҳолисининг 2 миллионга яқини 35 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади. Бу жуда катта куч ва имконият, деганидир. Афсуски, кейинги йилларда ёшлар ўртасида интернет тармоқлари орқали виртуал ҳаёт, салбий сайтларга кириш, диний экстремизм ва ёт ғояларга эргашини ҳолатлари қузғинлашмоқда. Бу эса маънавий қашшоқликка олиб келиши ўз-ўзидан маълум. Юқоридагидек ҳолатларнинг олдини олиш учун барча даражадаги аъзоларимиз, депутатлар, БПТ фаоллари билан кенг тушунтириш ишлари олиб бориламоқда. Қучли, иқтидорли ёшлар эришаётган ютуқларини кенг тарғиб этаёلمиз. Бундан ташқари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Ахборот агентликлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда О'zLiDePнинг «Хавфсиз интернет» лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ниятимиз салбий веб-сайтлар орқали кириб келаётган ёт ғояларнинг таъсир кучини камайтиришдан, тўғриворган, уларга қатъий барҳам беришдан иборат. Шунингдек, О'zLiDePнинг Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, «Парламентда меннинг ўрним» лойиҳаси доирасида ҳам бир қатор истиқболли режаларни амалга ошириш қўзда тутилган.


Сўхбатдошлар: Носир ТОШЕВ, Муҳаббат РАВШАНОВА.

ИСПОХОТ

«ВОБКЕНТ ТРИУМФ-ТЕКСТИЛЬ»ГА — 3,2 МИЛЛИАРД

Бундан олти йил аввал иш бошлаган, «Вобкентекс йигирувчи» шўъба корхонаси негизда ташкил этилган янги корхонада айни пайтда 100 нафардан зиёд киши меҳнат қилаяпти. 2008-2009 йилларга мулжалланган давлат инвестиция дастурига мувофиқ, «Вобкент триумф-текстиль» МЧЖга ҳам 3,2 миллиард сўмлик сармоя киритилиб, эскириб қолган тўқув ва ип-йигирув ускуналари ўрнига Хитойдан 23 та йигирув, Япония ва Тайванда ишлаб чиқарилган 17 та ўрмостастаги ўрнатилди. Корхона мутасаддилари 2012 йилда хорихга 494 минг, жорий йилнинг 9 ойида эса 700 минг АҚШ доллари миқдорига қалава-ип экспорт қилинганини таъкидламоқдалар. Шу ўринда корхона ишчиларининг аксарияти туман маркази, шунингдек, «Розмоз», «Кумушкент», «Халач» ҚФЙлари ҳамда қўшни Гиждувон туманига қарашли Лабируд, Гаждумак, Ширвон қишлоқларида истиқомат қилувчилар эканини айтиш мумкин. Корхонанинг зарур хом ашё билан ўз вақтида таъминланаётганилиги ишлаб чиқариш режалари ўз вақтида уқдаланишига олиб келаяпти. Ташки иқтисодий алоқалар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги «Узсанотмашинмекс» давлат акциядорлик компанияси билан тузилган шартномага мувофиқ Бухоро, Қарши ва Нукусдаги пахта терминалларидан юқори навли толаннинг ўз мuddатида етказиб берилаётгани ҳам қундалик ишда сифат ва самара асоси бўлмоқда. Яқин келажакда корхонада ногазлама ва бўз маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳам режалаштирилган. Президентимизнинг 2013 йил 8 августда қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори барча турдош корхоналар сингари «Вобкент триумф-текстиль» МЧЖ учун ҳам рақобатбардosh маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Маълумки, имконият бор жойда пировард натижаларга эришилиб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш сари дадил қадамлар ташланаверади.

Асқор ИСТАМОВ.



Устувор вазибаларни
амалга оширишда электротат
вакиллари билан ҳамкорликни янада
кучайтирмоқчимиз.

Тингловчилар
аудиторияси тобора кенгайиб
борапти.

30 нафар партия
аъзоси бўлган куйи бўгингагина
намунавий БПТ мақоми берилди.

КУЧЛИ ҚҲЙИ БЎҒИНДАН — КУЧЛИ ПАРТИЯГА

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ташкилотларида

46 (522)-СОН, 2013 ЙИЛ 14 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА

«Сарипул»лик фаоллар

партиявий-сиёсий ишларни йўлга қўйишда сезиларли натижаларга эришишяпти

Асхор ИСТАМОВ,
«XXI asr»

Бухоро вилоятининг йирик туманларидан бири — Вобкентда бўлсангиз, 32 та бошланғич ташкилот атрафига бирлашган 789 нафар маслакдошлар ва уларнинг сиёсий фаолияти ҳақида илиқ гапларни эшитасиз. Бу бежиз эмас, албатта. Хусусан, «Латиф совунгар», «Чармгарон», «Вобкент» маҳалла фуқаролар йиғинлари, О'зЛиДеР туман кенгаши, шунингдек, бир қатор корхона-ташкилотларда иш олиб бораётган қўйи бўғинларда партиявий тадбирлар яхши самара бераётгани эътиборга моликдир.

1995 йилда иш бошлаган ва автомобильларга техник хизмат кўрсатишга ихтисослашган «Сарипул» масъулияти чекланган жамиятидаги БПТ таркиби асосан ташаббускор ва изланувчан ёшлардан иборат. Шу боис партиянинг мақсад ва вазибаларини рўйбга чиқариш, аҳоли ўртасида либерал-демократик ғоялар тарғиботини кўчатиришда ҳам ёшлар салмоқли натижаларга эришмоқдалар. Айни пайтда ташкилот ҳисобиди 15 нафар аъзо бўлиб, уларнинг аксарияти сиёсий жиҳатдан етарли билим ва тажрибига эгадир. Бу эса партиявий режалар ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этапти.

Маълумки, жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтган маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслакдошлари сайловига санокли кунлар қолмоқда. Шу муносабат билан БПТ аъзолари жойларда тез-тез бўлиб, юртдошларимизга муҳим сиёсий кампаниянинг аҳамияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида кенг ва атрафлича тушунча беришмоқда. Бу ўринда партия аъзолари «Сарипул» автосалони раҳбари Ёркин Носиров, кадрлар бўлими бошлиғи Юлдаз Нурова, бош хисобчи Фафур Сафаров, бош муҳандис Фарход Шодиевнинг хиссасини алоҳида таъкидлаш мумкин.

— «Сарипул» МЧЖ аъзолари томонидан ғоявий-сиёсий ишларни кучайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда, — дейди О'зЛиДеР туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Баҳодир Ғаффаров. — Бу эса фаоллик ва ташкилотчилик билан чамбарчас боғлиқдир. Партиявий лойиҳалар ижросига масъулият билан ёндашиш, тинимсиз ўқиб-ўрганиш, сиёсий билим ва малакани мутасил ошириб бориш янгидан-янги ютуқларга эришиш мумкин.

Шу ўринда партиявий фаоллик корхона ишлаб чиқариш кўрсаткичларига ҳам ижобий таъсир этаётганини таъкидлаш лозим. Масалан, жорий йилнинг 9 ойи давомида миждошларга 719 миллион 844 минг сўмлик техник хизмат кўрсатилди. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан салкам 2,5 бараварга кўпдир. Эҳтиёт қисмлар таъминоти ҳам яхши йўлга қўйилган. Кейинги тўққиз ой мобайнида ушбу йўналишда 466 миллион 456 минг сўмлик савдо-сотиқ ишлари амалга оширилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлаши мумкин.

Савоб ишни хар қим, хар кунни қилиши керак, деган ибора «Сарипул» жамоасининг ҳаётини шиорига айланган, десак асло хато бўлмайди. Негаки, улар ўз ташвишлари билан бўлиб, муруватпешаликни унутишгани йўқ. Агар ўтган йилда ҳомийлик мақсадлари учун 23 миллион 731 минг сўм маблағ сарфланган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткич 49 миллион 138 минг сўмга етди. «Болалар спортини ривожлантириш», «Соғлом авлод учун», «Бухорои Шариф» жамағаралари, шунингдек, Тошкентдаги «Сокол» спорт-соғломлаштириш



О'ZLIDEP дастуридан

«ПАРТИЯ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЁТДАГИ ЎРНИНИ ОШИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРАДИ. БУ СОҲА ФАҚАТ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИБГИНА ҚОЛМАЙ, АЙНИҚСА, ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ ЎСИШИ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИНГ ЯХШИЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҒИ ПОЗИМ».

маркази, бошқа қатор ташкилот ва муассасаларга ҳам корхона томонидан ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилмоқда. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, халқимизга хос бағрикенглик ва савобатчиликнинг амалдаги ифодасидир.

О'зЛиДеР вилоят ва туман кенгашлари томонидан ўтказилаётган ўқувлар электротат вакиллари ва сиёсий билим ва дунёқарабини кенгайтириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этапти.

Корхонадаги соғлом маънавий муҳит, ўз навбатида, партиявий-ташқилий ишларни йўлга қўйишда ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, амалдаги қонунлар, Президентимизнинг тегишли фармон ва қарорлари, ички ва ташқи сиёсат масалаларига оид турли тадбирлар, давра суҳбатлари жамоа аъзоларида катта қизиқиш уйғотапти. Тингловчилар аудиторияси тобора кенгайиб борапти.

Яна бир муҳим жиҳат. Партия қўйи бўғинининг халқ депутатлари туман кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи билан яқин ҳамкорлиги жойларда ичкилик сув, табиий газ, электр энергияси таъминотини яхшилаш, маданий-манший ва коммунал соҳадаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этишда ҳам қўл келмоқда. Шунинг ўзи жойларда партия обрўси ошиб, сиёсий мавқеи тобора мустаҳкамланаётганидан далолат беради.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«ЖАМИЯТ ВА МЕН — 2013»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш жамоат фонди Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Журналистлар ижодий уюмси билан ҳамкорликда республикадаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ҳамда фотожурналистлари учун «Жамият ва мен — 2013» танлов ўтказилишини эълон қилади.

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маърифий-маданий, ҳуқуқий соҳалардаги ислохотларнинг бориши, бу борадаги илғор ташаббусларни бирлаштириш, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти, тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган дастурларнинг амалдаги ижросига оид ижодий ишлар қабул қилинади.

ТАНЛОВ ЙЎНАЛИШЛАРИ

- Танлов қўйидаги 10 та номинация бўйича ўтказилади:
- «Юксак маънавият — жамият бойдворини» мавзусидаги энг яхши материал;
- «Таълим тизими ислохотлари журналист нигоҳида»;
- «Соғлом ёшлар — келажак бойдворини» мавзусидаги энг яхши материал;
- «Фермерлик: имконият ва истикболлар» мавзусидаги энг яхши материал;
- «НПТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолияти» тўғрисидаги энг яхши материал;
- «Соғлом она — соғлом бола» мавзусидаги энг яхши материал;
- энг яхши журналист текшируви;
- интернетдаги энг яхши мақола;
- энг яхши фоторепортаж;
- йил дебюти (талаба-журналистлар учун).

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

Танлов йўналишида ижодий ишлар босма ва интернет нашрларда 2013 йилнинг 1 январидан 1 декабрга қадар чоп этилган бўлиши шарт. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) илова қилинади. Танловга материаллар 2013 йил 10 декабрга қадар қабул

қилинади.

Танлов ғолиблари 2013 йил якунида ташкилотчилар томонидан ўтказилаётган нуфузли тадбирда эълон қилиниб, муносиб тақдирланади.

ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етарли журналистлар, жамоат ташкилотлари, жамағаралар, мафратдор идора ва муассасалар вакиллари билан иборат нуфузли ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади. Ғолибларини аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзинга хослик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади. Танловга таъинланган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтариламайди.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИГА МУКОБОТЛАР

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари ташкилотчилар томонидан таъсис этилган диплом, компьютер жамланмаси, планшет, кўл телефони ва шу каби қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Материаллар ва улар билан боғлиқ ҳисобот кўришидаги маълумотлар «ЖАМИЯТ ВА МЕН — 2013» танловига» деган кайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш жамоат фондига жўнатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри — 100129, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 1-хона.
Тел./факс: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: info@mmf.uz, fonduz@mail.uz.
Ташқилий кўмита.

АСОСИЙ ЭЪТИБОР — УСТУВОР ВАЗИБАЛАРГА

— Тошкент вилоятида ҳам О'зЛиДеР аъзолари сони тобора ортиб борапти, — дейди вилоят кенгашининг БПТлар билан ишлаш бўлими бош консультанти Диёра Болтаева. — Масалан, ўтган ҳафтада Жамол Хожаев бошчилик қилаётган «Қурбон Хожаев» фермер хўжалигида 8 нафар аъзони бирлаштирган куйи бўғин иш бошлади. — Сафдошларимизнинг аксариятини хўжалигимизга яқинда ишга келган ёшлар ташкил этади, — дейди БПТ раиси Ж.Хожаев. — Мақсадимиз — қишлоқда тадбиркор ва фермерлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга ҳисса қўшиш, ёшлар ҳаётига оид масалаларни партия туман кенгаши, мақбул кўришса, халқ депутатлари туман кенгаши сессияси кун тартибига олиб чиқишдан иборат. Умуман, партия Устави ва дастурида белгилаб берилган устувор вазибаларни амалга ошириш учун электротат вакиллари билан ҳамкорликни янада кучайтирмоқчимиз.

Зиёдулла МЎМИНОВ.

ТИЛСИЗ ЁВДАН ЭЪТИЁТ БЎЛИНГ

«Бухордонмахсулотлари» ОАЖдаги бошланғич партия ташкилоти аъзолари ташаббуси билан ёнғин хавфсизлиги масалаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Эллиқдан зиёд ишчи-хизматчи, жумладан, йигирма нафар партия аъзоси қатнашган очик мулоқотда Ички ишлар вазирилик вилоят бошқармасининг Ёнғиндан сақлаш бўлими масъул ходимлари С.Хусенов ҳамда Р.Бобоев кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, бу борада йўл қўйилаётган камчилик-нуқсонларни бартараф этиш хусусида фикр юритдилар.

Бехзод ИСРОИЛОВ.

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

ҚАНДАЙ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ҚОШИДА КЕНГАШ ТУЗИЛАДИ?

«XXI asr» газетаси саҳифаларида чоп этиладиган мақолаларда «БПТ», «намунавий БПТ» атамалари бот-бот тилга олинапти. Айтинг-чи, улар ўртасида қандай фарқ бор? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Раҳматилла ЮНУСОВ,

Тошкент Давлат аграр университетининг 4-курс талабаси

Ушбу саволга О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси ташқилий-партиявий ишлар бўлими масъул ходими Бахтиёр Аҳмедов жавоб беради:

— Сиёсий Кенгаш Ижроия кўмитасининг 2007 йил 22 январдаги «О'зЛиДеР бошланғич ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 3-иловасига мувофиқ, намунавий БПТларни тузишдан мақсад — куйи бўғинлар фаолиятини босқичма-босқич ривожлантириш, белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда улар иштирокчини кенгайтириш, бошланғич ташкилотлар учун бевосита ўрганиш, малака ошириш ва тажриба алмашишга хизмат қиладиган мустаҳкам базани шакллантиришдан иборат. Яна бир жиҳати, таркибда энг камиди 30 нафар партия аъзоси бўлган куйи бўғингагина намунавий БПТ мақоми берилди. Қолаверса, улар ғоявий-сиёсий салоҳияти, зарур тарғибот-ташвиқот воситалари билан етарлича жиҳозланганлиги, белгиланган талаб ва мезонларга тўла жавоб бера олиши билан ҳам одатдаги БПТлардан фарқ қилади. Намунавий куйи бўғин қошида камиди беш кишидан иборат кенгаш фаолият юритиши ҳам унинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.



XXI ASR
ижтимоий-сиёсий газетасига
ОБУНА бўлинг!

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80

Шу йил 30 ноябрдан авиакомпания ҳаво кемалари Урганч-Волгоград-Урганч йўналиши бўйлаб парвоз қиладиган бўлди.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Диққат: ёнғин хавфсизлиги ойлиги бошланди

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги 309-сонли қарори ҳамда «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг 2013 йил 1 ноябрдаги 248-сонли фармойишига асосан қорхонамизда 20 ноябрдан 20 декабргача «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» давом этади

Соҳиб ОЧИЛОВ, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи электр-тажриба лабораторияси бошлиғи

Ушбу муҳим тадбирни уюшқоқ билан ўтказиш мақсадида қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. Хусусан, завод ходимлари истиқомат қиладиган турар-жойларда электр энергияси таъминотида узил-шиллар содир бўлмаслиги учун мутасаддилар жавобгарлиги кучайтирилди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни ёнғин ҳолатларидан асраш учун жамоамиз хавфсизлик қоидалари билан яна бир бор таништирилди.

Хусусан, ҳудудда ва барча цехларда газ ва электр пайвандлаш ҳамда бошқа ишлар ёнғин хавфсизлиги ходимлари билан келишилган ҳолда олиб борилиши, ишлаб чиқариш чикиндилари ҳамда қолдиқ нефть маҳсулотларидан тозаланиши шартлиги белгилаб қўйилди.

Шунингдек, ҳудудда ва хизмат хоналарида тамаки чекиш, оловдан фойдаланиш катъинан ман этилиши, ёнғин юз берган тақдирда одамлар

ни қутқариш йўлакларни доимо тоза ва очиқ ҳолда бўлиши, нефть қувурлари ва агрегатлардан кийим-кечак қургинида фойдаланмаслик лозимлиги тўғрисида тушунчалар берилди.

Ана шундай тартибот жараёнида цехларда ёнғин содир бўлган ҳолларда дарҳол ёнғин хавфсизлиги хизматининг 01, 3-07 ва 7-01 телефон рақамларига қўнғироқ қилиш ҳамда бирламчи ўт ўчириш воситаларидан фойдаланиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ишчи-хизматчилар эса хонадонлардаги газ асбобларидан резина шланг орқали фойдаланмаслик, уйдан чиқаётган газ ва электр ускуналарини ўчиришни унутмаслик, энг муҳими эса ёш болаларни уйда ёлғиз қолдиришмаслик ва гугурт ўйнашига йўл қўймасликка чақирилди.

Зеро, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш орқали ўз қорхонангиз, қолаверса, ўз ҳаётимизни сақлаш ҳар биримизга жуда катта масъулият юклайди.

Бир сўз билан айтганда, заводимизда муҳим тадбирга катта тайёргарлик қўрилмоқда.

Фарғонани чароғон этаётганлар

вилоят қорхоналари ва ҳудудларини электр қуввати билан узлуксиз таъминлаш учун бор имкониятларни ишга солишяпти

Темур АБДУРАХМОНОВ, «XXI asr»

Маълумки, ҳаётимизнинг бир дақиқасини ҳам ушбу соҳа ходимлари фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки оддий хонадонлардан тортиб, йирик саноат қорхоналаригача барча коммуникация тармоқларига энергия манбаига эҳтиёж сезади. Тармоқда рўй берган кеска муддатли узил-шил ҳам оdatий ҳаётимизга таъсир ўтказди. Ана шу нуқтан назардан олиб қаралганда, электр қуввати қондалик турмушимиз учун сув билан ҳаводек муҳим аҳамиятга эга, десак хато қилмаган бўламиз. Лекин, афсуски, ана шундай қудайликдан баҳраманд бўлиш баробарида ушбу бебаҳо манбани ишлаб чиқариб, хонадонларимизга ёруғлик олиб қираётган соҳа вакиллари хизматини ҳар доим кадрлайвермаймиз. Ваҳоланки, шаҳар-кишлоклари чароғон этаётган нурчилар меҳнати ҳар қанча эъзозга лойиқдир.

Яқинда Фарғонада бўлиб, вилоят ҳудудий электр қорхонаси жамоаси фаолияти билан танишганимизда соҳа ходимлари меҳнатининг нечоғли мураккаб ва шу билан бирга серкирра эканига гувоҳ бўлдик.

— Айни пайтда очик акциядорлик жамияти томонидан 32 минг 964 та улгуржи истеъмолчи ҳамда 625 минг 116 та хонадонга хизмат кўрсатилмоқда, — дейди қорхона раҳбари Шавкат Собиров. — ОАЖ тасарруфидоги

21561, 45 км. узунликдаги 0,4-6-10-35-110 кв. қучланишли электр узатиш линиялари орқали истеъмолчилар эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилаяпти. Бугунги кунда вилоятимизда 149 та катта қучланишли нимстанциялар бўлиб, уларнинг умумий қуввати 1741,2 минг кВтни ташкил этади. Туман ва шаҳарларда эса электр энергиясини тақсимловчи махсус трансформатор пунктлари бўлиб, уларнинг умумий қуввати 1258,3 минг кВтни ташкил қилади.

Соҳа электр таъминотининг қон томirlари ҳисобланмиш мазкур қурилмаларнинг бир маромда ишлашини таъминлаш учун 2700 нафардан зиёд ишчи-хизматчиларимиз масъул.

Маълумки, мамлакатимизда электр қувватининг асосий қисми, яъни 90 фоиздан зиёди несиқлик электр станцияларида ҳосил қилинади. Шу боис электр энергияси вилоят истеъмолчиларига республикамизнинг турли ҳудудларида жойлашган ва ягона энергетика таркибига кирувчи электр станциялари орқали етказиб берилди.

Бинобарин, тармоқ қорхоналари ҳар йили катта миқдорда энергия сарфлаганидан қузғи-қишқи мавсумга ўта масъулият билан тайёргарлик қўрадилар.

Қорхона мутасаддиларининг таъкидлашларича, тармоқда 2013-2014 йиллар қузғи-қишқи мавсумини узил-шилларсиз ўтказиш учун қатъий режа асосида кенг қўлдан тайёргарлик ишлари олиб борилди. Жумладан, электр қурил-



маларининг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида 2573 км. масофадаги электр узатиш линиялари, 739 та трансформатор пункти, 239 та нимстанция, 600 км. масофадаги ҳаво, салкам 6 минг км. узунликдаги электр узатиш тармоқлари ва 2102 та трансформатор пункти мукамал ва жорий таъмирдан чиқарилди. Қиш мавсуми учун турли қувватдаги 26 та трансформатор захираси яратилди, кам қувватли 25 та трансформатор юкори қувватлига алмаштирилди, 92,9 тонна трансформатор мойи харид қилиниб, туман ва шаҳар электр таъминоти қорхоналарига етказиб берилди.

Бундан ташқари, Фарғона шаҳрида жойлашган 110 кВт.ли «Механика заводи» нимстанциясидаги трансформатор алмаштирилди, «Саккокий» ним-

станциясидаги эскирган 9 та КРУП1 ясийкалари ўрнатилди. «Қўқон» нимстанциясида қуввати 20000 кВт бўлган трансформатор ишга туширилди. Ўзбекистон туманидаги «Ғаниобод» нимстанциясида 1600 кВт қувватли янги трансформатор ўрнатилди.

Маълумки, тармоқ ҳолда жойлашган объектларга хизмат кўрсатиши, уларни таъмирлаш, муҳофаза қилиш, носозликларни тезкор бартараф этиш соҳа ходимларидан катта масъулият талаб қилади. Бу ўринда автотранспорт хизматининг ўрни алоҳида. Шу боисдан мазкур хизмат мобиллигини ошириш учун 10 тонна юк тапшувчи машина, ТТЗ-80 трактори ва замонавий экскаваторлар харид қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011

йил 15 ноябрдаги «Фарғона шаҳри бош режасини амалга ошириш, 2012-2015 йиллар давомида, транспорт, коммунал инфратузилма объектларини қуриш ва реконструкция қилиш тўғрисида»ги қарорига асосан шаҳар электр таъминотини яхшилаш мақсадида изчил тадбирлар амалга оширилди. 4 та янги трансформатор пункти қурилиб, 2 та тақсимлаш шохобчаси ишга туширилди.

Мухтасар айтганда, фарғоналик нурчилар келгусида аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш учун пухта ҳозирлик қўрмоқдалар. Зеро, улар барча қорхона ва ташкилотлар, вилоят аҳолисининг меҳнат фаолияти ва қондалик турмуши ҳудудининг электр қуввати билан нечоғли таъминланганига ҳам боғлиқ эканлигини яхши биладилар.

КАБАРПАР

«А-320»ДА УРГАНЧДАН — ВОЛГОГРАДГА

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси йўловчилар учун қўшимча қулайликлар ва имтиёзлар яратишда давом этмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 30 ноябрдан авиакомпания ҳаво кемалари Урганч-Волгоград-Урганч йўналиши бўйлаб парвоз қиладиган бўлди. МАК матбуот хизматининг хабар беришича, мазкур рейс парвозлари ҳар шанба кун «А-320» авиалайнерида амалга оширилади.



Ўз навбатида Миллий авиакомпания Тошкент-Самарқанд-Тошкент йўналиши учун эълон қилинган реклама тарифи муддатини узайтирганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Хусусан, шу йилнинг 15 ноябргача давом этиши лозим бўлган мазкур акция энди 2014 йилнинг 29 мартига қадар амалда бўлиши маълум қилинди. Эслатиб ўтиш жоиз: айни пайтда ушбу йўналиш бўйича бир томонга амалга оширилаётган парвознинг нархи 16 евро ёки 48 минг сўмни (чиптанинг миллий валютадаги нархи Марказий банк томонидан белгиланган курсга мувофиқ ўзгариши мумкин) ташкил этади.

ЎЗМТРК ЯНГИ КАНАЛЛАРНИ ИШГА ТУШИРАДИ



Шу кунларда «Ўзбекистон» телеканали базасида «Оилавий», «Тошкент» телеканали қошида «Наво», «Ёшлар» базасида «Кинотеатр», «Маданият ва маърифат» канали қошида эса республикадаги барча вилоятлар ҳаётига оид кўрсатувларни узатишга ихтисослашган «Худудлар» телеканалларини ишга туширишга қизғин тайёргарлик қўрилаётгани маълум қилинмоқда. Эътиборлиси, номлари шартли равишда қўйилган мазкур телеканалларнинг барчаси ўз кўрсатувларини рақамли форматда намойиш этади.

Ш.Хўжаев тайёрлади.

БИР ҲОВУЧ ДУР

Фаридуннинг фарзанди учун ёзган сўзлари: «Ҳаёт варақлари киши амалининг саҳифаларидир. Унга энг яхши ишларгина ёзиб қолдирилади».

Бир ҳақимдан сўрадилар:

— Ақлли киши ким?

Ҳақим деди:

— Сўзни меъёри билан сўзлаган, ҳаёт қадрини англаган, бутун куч ва қудратини илм ва камолот ҳосил қилишга сарфлаган киши.

Сайлов янги қонун талаблари асосида ўтаяпти

Маълумки, ўзбек миллий давлатчилиги тарихида «маҳалла» тушунчаси илк маротаба Бош қомусимизга киритилиб, конституциявий мақомга эга бўлганидан кейин унинг нуфузини янада оширишга қаратилган 50 дан ортиқ қонун ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат қабул қилинди

Жаҳонгир САФАРОВ, Улуғбек ХУСАИНОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходимлари

Айни пайтда давлат ҳокимияти идоралари ваколатига кирувчи ўттиздан ортиқ вазифалар ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тасарруфига ўтказилгани мазкур институт имкониятларининг нечоғли кенгайётганидан далолат бериши мумкин.

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да эса маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини такомиллаштириш, унинг вазифалари қўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувчи органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш вазифаси илгари сурилгач, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ҳамда «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги

Ўзбекистон Республикаси қонунлари янги таҳрирда қабул қилинди.

Айниқса, «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши, энг аввало, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни такомиллаштириш, раис ва унинг маслаҳатчилари лавозимига катта ҳаётий тажрибага эга, аҳолининг ҳурмат ва ишончига сазовор бўлган муносиб фуқароларнинг сайланишини таъминлаш, бу жараёнда эса очиклик ҳамда ошқораликни оширишга хизмат қилмоқда.

Маълумки, ноябрь-декабрь ойларида мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилиши белгиланган бўлиб, аксарият ҳудудларимизда бошланган сайловда 9736 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 97 минг нафардан зиёд маслаҳатчилари сайланган.

Қонунда, шунингдек, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳини шакллантириш фуқаролар йиғини (вакиллар йиғини) қарор билангина амалга оширилиши, уларнинг таркибига қонда

тартиқасида тегишли туман (шаҳар) халқ депутатлари кенгаши депутатлари киритилиши ҳам қўзда тутилган. Бундан ташқари, ишчи гуруҳига аҳоли фикрини ишобатга олган ҳолда, фуқаролар йиғини раисини унинг маслаҳатчилари вазифасига муносиб номзодларни илгари сурши ҳуқуқи ҳам берилган.

Қонунга биноан фуқаролар йиғини раис вазифаси номзодларига қўшимча талаблар ҳам белгиланаяпти. Хусусан, фуқаролар йиғини раис вазифасига кўрсатилган номзодлар сайлов бошланганидан олдин фуқаролар йиғини олдидан қиш қилиб, ўз фаолияти юзасидан келажак режаларини баён қилиши керак. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича изчил иш олиб борилаётганидан далолатдир.

Шу ўринда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов амалдаги қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ равишда, ошқоралик шароитида, фуқароларнинг юксак фаолияти остида ўтиши, аҳолининг кенг қатламлари учун чинакам демократия мактаби бўлиши учун барчамиз масъулмиз.

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

— Дўқондан хорижда ишлаб чиқарилган микроўқинли пещ сотиб олаётиб, сотувчидан унинг хусусиятларини сўрадим. У ўз билганича маълумот берди. Аммо жавобдан қониқмадим. Биз сотиб олаётган маҳсулотда ўзбек тилида ёзилган ёрлик бўлиши керак эмасми?

С.ЖИЯНОВА
Тошкент шаҳри.

— Ҳа, албатта. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 декабрдаги 427-сонли қарори асосида четдан келтирилган ва мажбурий тарзда давлат тилида ёрликлашни лозим бўлган маҳсулотлар рўйхати тасдиқланган. Озиқ-овқат, электр техника маҳсулотлари, дорилар, косметика, қир ювиш воситалари ҳам ана шу рўйхатга киритилган. Айниқса, дори воситаларини сотиб олаётганда харидорлар унинг қутисидан давлат тилидаги ёрлик мавжудлигига аҳамият беришлари лозим. Акс ҳолда, сотиб олган дорингиз контрафакт маҳсулот бўлиши мумкин.

Саволга «Ўзстандарт» агентлиги мутахассиси И.Усмонова жавоб берди.

Ер юзининг 71 фоизи

сув билан қопланган бўлса-да, чучук сув умумий оби-ҳаёт миқдорининг атиги 2 фоизини ташкил этади.

Халқаро таҳлилчилар дунё аҳолисининг олтидан бир қисми тоза ичимлик сувига муҳтож экани, вазият шу зайдда давом этса, 2030 йилга бориб 67 фоиз аҳоли юқоридаги муаммога дуч келиши мумкинлигини таъкидламоқдалар

ТОМА-ТОМА...

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»

Хатто сув сероб бўлган давлатларда ҳам қурғоқчилик туфайли ана шундай муаммо долзарблашаётганига жиддий эътибор қаратилмоқда. Баъзи олимлар яқин келажакда иқлим ўзгаришлари сабабли қандай воқеалар рўй бериши мумкинлигини ҳам тахмин этиш мушкуллашиб бораётганидан ташвишланмоқдалар. Африканинг катта қисми, Яқин Шарқ, Жанубий ва Жаңуби-шарқий Осиёни ўз домига тортаётган бу муаммо кундан-кунга чигаллашаётгани бор гап. Хатто худудда йирик дарёлар бўлишига қарамай, Хитой ва Хиндистон аҳолиси ҳам сув масаласида қийинчиликларга дуч келаяпти. Айниқса, Хитойнинг шарқий қисмидаги 600 та йирик шаҳарнинг 550 тасида чучук сув захираси кундан-кунга камайиб бораётир.

Иқтисодий жиҳатдан анча бақувват бўлган Еврохудудда ҳам вазият кўнгилдагидек эмас. Айрим мамлакатлар қўшни давлатлар суви ҳисобига кун кечира бошладилар. Атлантика океани соҳилларидаги бир неча мамлакатта ҳам қурғоқчилик туфайли ичимлик суви бошқа давлатлардан келтирилади бошланди. Ана шундай вазиятда Европа Иттифоқи сув ресурсларини самарали бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва уни тезда ҳаётга татбиқ этишга ҳаракат қилаяпти. Жанурийлар эса ана ўн беш йилдан кейин сайёра аҳолисининг 47 фоизига тоза ичимлик суви етишмаслиги мумкинлигидан хавотирга туша бошладилар. Шу боис Еврохудудда суви тежаш, мавжуд захиралардан оқилона фойдаланиш борасида жиддий қарорлар қабул қилинди.

Тўғри, XXI асрга келиб инсон ўз заковати билан сунлий гўшт, гуруч ва бошқа маҳсулотларни ярата олди. Бирок чучук сув борасида бундай дейиш қийин. Тарихга назар ташласак, Англия кироличаси Елизавета XIV асрдаёқ сувини чучуклаштиришнинг арзон ва қулай усулини топган кишига 10 минг фунт стерлинг миқдорда мукофот ваъда қилганига гувоҳ бўлаемиз. Орадан неча асрлар ўтгани ва фан-техника юксалишига қарамастан, ана шу мукофот ўз эгасини топганича йўқ. Аммо инсоният борининг қадрига етиш, азиз неъматдан оқилона фойдаланиш вақти келгани тўбора чуқурроқ аниқлаш керак. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳам 1977 йилдан буён чучук сув масаласини бежиз глобал муаммо сифатида кун тартибига киритаётгани йўқ.

Негак, айни пайтда оз эмас, кўп эмас, дунё аҳолисининг 2,3 млрд. нафарини нотоза сув истеъмол қилмоқда. Оқибатда миллионлаб кишилар турли касалликлар туфайли ҳаётдан кўз юмишяпти. Мутахассисларнинг фикрича, кейинги эллик йил ичида инсониятнинг сув ресурсларидан хўжасизларча фойдаланиши оқибатида вазият баттар мураккаблашган. Долзарб масалага муносабат шу зайдда давом этаверса, 2030 йилга келиб Ер юзи аҳолисининг 67 фоизи – қарийб 5 млрд. нафарга яқини тозаланмаган сув ичишга мажбур бўлади. Энг ачинарлиси, дунё микросида сув танқислигидан турли хасталик-

ларга чалинаётган ва ҳаётдан эрта кўз юмаётган болалар сони ортмоқда. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, касалликларнинг 85 фоизи бевосита тоза сув билан боғлиқдир. Ҳар йили дунё бўйича 25 миллион киши айнан тоза ичимлик суви тақчиллиги қурбонига айланмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, дарё сувларининг инфлосланишига асосан инсон омили сабабдир. Саноатлашув натижасида сувга ҳар хил чиқиндилар ва кимёвий моддаларнинг оқизилиши ана шундай аяғчли ҳолатга олиб келаяпти.

Маълумки, дунё бозорига нефть нархи ҳам кун сайин кўтарилаяпти. Аммо баъзи мамлакатларда сув нефтдан бир неча баробар қиммат экани айни ҳақиқат. Масалан, Бирлашган Араб Амирликларида нефть бир сёр бўлса-да, сув кам. Исроил, Фаластин, Сурия ва Йордания эса Йордан дарёсига эгаллик қилиш йўлида муттасил баҳс-мунозаралар олиб бормоқда. Шу боис, ушбу мамлакатларда ичимлик суви муаммосини ижобий ҳал этишга ҳаёт-мамот масаласи, деб қаралаяпти. Тўғри, нефтдан тушган даромад эвазига сув сотиб олиб, мамлакат эҳтиёжини қондириш мумкин. Бирок бир кун келиб нефть ҳам тугайди. Шунинг учун ҳам нефтга бой мамлакатлар сув захираларни ташкил этишнинг энг қулай усулларини яратиш устида бош қотирмоқдалар. Россиялик бир гуруҳ олимлар ҳам ичимлик суви нархи вақти келиб нефтдан ҳам қимматлашишига ишона бошладилар.

Маълумки, ер юзидаги тоза ичимлик сувининг 20 фоизи Россия худудидида жойланган. Олимлар мамлакат худудидидаги тоза ичимлик сувининг 80 фоизи Байкал кўлида жам бўлганини таъкидлаб, кўлнинг мусаффо сувини мамлакатнинг бебаҳо хазинаси, деб таърифлашаёпти. Чунки бир кун келиб Байкал суви бошқа давлатларга сотилиши мумкин бўлган жуда катта бойликка айланиши мумкин. Гарчи бу фикр ҳозирча тахмин бўлса-да, Ер юзида тоза ичимлик сувининг тобора камайиб бораётгани ҳар қандай тахминни реалликка айлантириши мумкин.

Шу ўринда таҳлилчи ва олимлар ичимлик сувини қайта ишловчи технологияларни саноат микросида жорий этиш зарурлигига эътибор қаратаётганларини таъкидлаш жоиз. Бундан ташқари улар денгиз сувини чучуклаштириш ёки Гренландия, Антарктида ҳамда Арктикада ястаниб ётган улкан айсбергларни ташини фоясини илгари сура бошладилар. Бу борада бир қатор муваффақиятли ишлар ҳам амалга оширилди. Масалан, айрим мутахассислар худди нефть ташингандай, сувини ҳам қувурлар орқали ёки маҳсус танкерларда ташини таклиф этмоқдалар. Лекин бошқа бир гуруҳ экспертлар бу воя ўзини оқламаслигини, мажкур режа жуда катта маблағ талаб этишини ва маълум вақт ўтган, сайёраида ҳарорат кўтарилиб, музлар эриши оқибатида режалар йўқка чиқиши мумкинлигини қайд этишаёпти.

Ичимлик сувига катта эҳтиёж сезилаётган Хиндистонда ҳам бир қатор тадқиқотлар олиб бориюмоқда. Масалан, бу ерда яратилган янги қурилма сув ҳавзаларидаги оби-ҳаётни истеъмолга яроқли ҳолга келтиришга мўлжалланган. Маълумки, ушбу мамлакатда чучук сув жуда кам



ЙЎҚ БЎЛУРМИ?

Дунёда сув танқислиги туфайли турли хасталикларга чалинаётган ва ҳаётдан эрта кўз юмаётган болалар сони кундан-кунга ортмоқда. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, касалликларнинг 85 фоизи бевосита сув билан боғлиқдир. Ҳар йили дунё бўйича 25 миллион киши айнан тоза ичимлик суви тақчиллиги қурбонига айланаяпти.

бўлиб, йирик шаҳарлардаги сув тозалаш тизимлари талаб даражасида ишламайди. Шунинг учун ҳам суёқлик тозаловчи «Н₂О» механизмлари кичик яшаш пунктларида ўрнатилмоқда. Аммо бу қурилмада тозаланган сувини сотиб олишга барчанинг ҳам қурби етавермайди. Шу боис мамлакатда сув тозаловчи қурилмалар ҳомийлар маблағлари эвазига бунёд этилиб, сув нархини нисбатан арзонлаштиришга эътибор қаратилмоқда. Энг кўп сув талаб қиладиган соҳалар, жумладан, қишлоқ хўжалигига сарфланадиган оби-ҳаёт миқдорини қисқартириш ҳам муҳим эканини унутмаслик керак. Зеро, кейинги ярим аср ичида ичимлик суви истеъмоли уч марта, суғориладиган ер майдонлари эса 2 мартага ортган. Исроилда бу масалага жуда қатъий амал қилинаётгани кўпчиликка маъ-

лум. Сувнинг ҳар томчиси олтинга тенг мамлакатда томчилятиб суғориш тизими ҳам самарали жорий этилган. Аммо ана шундай имкониятлар мавжудлигига қарамай, Хиндистон, Хитой, АҚШ, Покистон, Япония, Таиланд, Индонезия, Бангладеш, Мексика ва Россия каби давлатларда сув сарфи юқорилигича қоляпти. Биргина Японияда ўтган асрнинг 50-йилларида ҳар киши бир кунда ўз эҳтиёжи учун қарийб 400 литр сув сарфлаган. Шукурки, бу кўрсаткич 2000 йилга келиб 160 литрга туширилди.

Аммо халқаро мутахассислар чучук сувнинг 70 фоизи қишлоқ хўжалиги, 20 фоизи ишлаб чиқариш, атиги 10 фоизи истеъмол учун сарфланаётганига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. 2050 йилга бориб эса экваторларга бўлган талабнинг ортиб бораётгани ҳам айнан сув билан боғлиқ эканини ёддан чиқармаслик керак. 2030 йилга бориб бу эҳтиёж 55 фоизни ташкил этиши кўтилмоқда.

Гарчи Ер юзининг 71 фоизи сув билан қопланган бўлса-да, чучук сув умумий оби-ҳаёт миқдорининг атиги 2 фоизини ташкил этиши ҳеч биригиз учун сир эмас. Унинг ҳам 70 фоизи табиғатда муз ҳолатида учрайди. Энг ёмони эса ана шу муз ҳам секин-аста камайиб бормоқда. Шу боис дунё ҳамжамиятини ичимлик суви муаммоси борган сари ташвишга солмоқда. Глобал нукта назардан қараганда, барча ёғилларнинг учдан икки қисми атмосферага қайтади. Ичимлик суви захираларининг қайта тикланиши океанлар юзасида буғланаётган сувга ҳам боғлиқ. Океанлардан ҳар йили 505 минг кубкилометр сув буғланаётганига қарамай, демографик ўсиш, аҳолида янги эҳтиёжларнинг вужудга келиши, энергетик талабнинг ортиб бориши каби омиллар тобора ўзгариб бораётган иқлим шароитида сув ресурслари етишмовчиликни кучайтирмоқда. Маълумотларга кўра, айни пайтда келиб кўпгина давлатлар сув истеъмолга оид барча имкониятларини сарфлаб бўлган. Иқлим ўзгаришлари эса вазиятни янада мураккаблаштирмоқда. Шунинг учун ҳам келажакда давлатлар, шаҳар ва қишлоқлар, турли соҳалар сув учун ўзаро кучли рақобатга киришиши башорат қилинмоқда. Бу эса сув танқислиги масаласини сиёсийлаштириши ҳам мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, сувнинг ҳаёт-мамот манбаи бўлган сувини имкон борича тежаш лозимлигини ниҳоят тушуниб етди. Бу эса келажак манфаатлари учун катта аҳамиятга эгадир.

ВОҚЕАЛАР, ШАРҲЛАР, ДАВИАЛАР

ИҚЛИМ ҲАРБИЙ ТЎҚНАШУВЛАРГА ОЛИБ КЕЛИШИ МУМКИНМИ?



Иқлим ўзгаришларини ўрганувчи ҳукуматларо экспертлар гуруҳи 2014 йилда омма эътиборига ҳавола этиладиган ҳисоботини тайёрлади. Унда яқин 20-30 йил ичида дунё иқлимнинг кескин ёмонлашиши башорат қилинмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бундай ўзгаришлар дунёнинг иқтисодий тараққиёти ва сиёсий вазиятига бевосита таъсир этади. Қолаверса ушбу ҳужжатда яшаш учун яроқсиз худудлар сони кўпайиб, йилнинг маълум

фаслларида фуқаролар ҳаёти хавф остида қолиши баён этилган. Бунга ҳаво ҳарорати ва намлиқнинг кескин ошиб кетиши, ичимлик суви манбалари камайиб, айрим худудларда қурғоқчилик бошланиши сабаб сифатида кўрсатилган. Ачинарлиси, иқтисодий тараққиётнинг сувайиши натижасида давлатларо куроли тўқнашувлар ҳам вужудга келиши мумкин. Ҳаёт учун яроқли худудлар, ичимлик суви ва иқтисодий аҳамиятга эга табиий ресурслар учун кураш йирик ҳарбий зиддиятларга олиб келади. Ушбу ҳисобот муаллифлари иқлим ўзгаришининг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий асоратларини камайтириш учун ҳукуматларни керакли инфратузилмаларни аввалдан тайёрлашга қачирмоқдалар.

ЮКХОНА ФАРЗАНДИ

Янги туғилган чақалокни оз эмас, кўп эмас, икки йил мобайнида автомобиль юкхонасида сақлаш мумкинми? Ҳозирча исми шарифи эълон қилинмаётган франциялик аёл ўз қизини шунча вақт мобайнида машина юкхонасида сақлагани маълум бўлди. Машинани таъмирлаётган усталар бола йиғисини эшитган, тасодифан юкхонани очишган ва гўдакни кўриб, дәрҳол тез ёрданга кўнгирак қилганлар. Шифокорлар бола сувсизлик ва оқликдан силлоси қуриганлигини, жисмонан ва руҳан заифлигини аниқлашган.

Маълум бўлишича, қизалоқнинг 45 ёшли баттол онаси турмуш ўртоғидан ҳомиладорлигини яшириш учун шундай йўл тутган. Айни пайтда бу аёлнинг тўрт ёшдан ўн ёшгача бўлган яна уч нафар фарзанди борлиги, ҳозир улар ҳам ижтимоий хизмат ходимлари қарамогига ўтказилгани хабар қилинмоқда.

НАВБАТДАГИ ҚАЛТИС ҲАЙИ



Грузия президенти Михаил Саакашвили ўз ваколатини топшириш арасида кўпчилик учун қутилмаган янги тартиб жорий этди. Бундан буён мамлакат фуқаролигини олмоқчи бўлган одамлар шахсини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этишса кифоя. Ана шу тартибга кўра, балоғат ёшига етган ҳар қандай давлат фуқароси ўз паспорти ва унинг нотариал идора томонидан тасдиқланган таржимаси билан бемалол Грузия фуқаролигини олиш тўғрисида мурожаат этиши мумкин. Мамлакат раҳбари мазкур аризани илжои борица қисқа муддатда кўриб чиқиб, унга имзо чекади. Грузия оммавий ахборот воситаларининг хабар беришларича, айни пайтда мамлакат фуқаролигини кўлга киритмоқчи бўлган талабгорлар кўпчиликини ташкил этади. Улар асосан Арманистон, Озарбайжон, Яқин Шарқ ва Африка мамлакатлари фуқароларидир. Бирок Грузиянинг янги ҳукумати мамлакатга кириб келаётган чет элликлар оқимидан хавотирга тушиб, яқин вақт ичида давлат виза қонунчилиги қайта кўриб чиқишини маълум қилди. Эслатиб ўтамиз, Грузияда президентликка сайлов шу йилнинг 27 октябрида бўлиб ўтди. Унда «Грузия орзуси» муҳолифати вакили Георгий Маргвелашвили сайловчиларнинг 62 фоиз овози билан ғалаба қозонди. Маргвелашвили 17 ноябрь куни расман президентлик лавозимига киришди.

Гулноза МУХИДДИНОВА тайёрлади.



**ОЗОД ЮРТНИНГ
ОБОД ОИЛАСИ**

Солиҳ ЗОИР олган сурат

Эл-юрт фаровонлиги йўлида бор куч-гайратини ишга солишни ўзи учун шир сифатида танлаган Мирпўлат Алимбеков ўттиз йил давомида болаларга дарс берди, салкам ўн йил маҳалла раиси вазифасида иш олиб борди. Зангиота туманидаги «Бобур» маҳалласида истикомат қилаётган отахон нафақага чиққанидан кейин ҳам қарилка ён бермай, фарзандлари билан бирга ўз ҳовлисида барпо этилган иссиқхонада гул етиштирапти. Айни пайтда маҳалла яраштирув комиссияси аъзоси бўлган қаҳрамонимиз нафақат ўз хонадони, балки бутун ён-атрофни гулзорга айлантириш ниятида эканлигини таъкидламоқда.

Оилапарвар Мирпўлат ота турмуш ўртоғи Тожжанор опа билан уч ўғилни эл қорига ярайдиган инсонлар этиб тарбиялади. Олти нафар неварга эса айни пайтда уларнинг жону дили.

Реклама

LADA БИЗНЕС

от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

ВИС-2347, LADA SAMARA, борт.

ВИС-2347, LADA SAMARA, фургон.

ВИС-23460, LADA NIVA, 4x4.

ВИС-23461, LADA NIVA, 4x4.

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:
Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09.
(+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте www.sardor-avto.uz

**ЕР ОСТИ ШАҲРИ
ЯНГИЛИКЛАРИ**

Маълумки, ҳар куни ўртача 180-200 минг йўловчи узогини яқин қилаётган Тошкент метрополитени бошқа транспорт турларидан вагонларда қишда иссиқ, ёзда эса салқин ҳароратни сақлаб туриши билан ҳам ажралиб туради.

«Тошкент метрополитени» давлат унитар корхонаси томонидан Миллий матбуот марказида ташкил этилган анжуманда ерости транспортнинг хавфсиз ва мунтазам фаолият олиб боришига доир маълумотлар ва келгуси режалар баён қилинди. — Қоидага кўра, фойдаланилаётган вагонларга, қачондан бери ишлатилаётганидан қатъий назар, узоғи билан 20 соат ичида техник хизмат кўрсатилиши керак, — дейди «Тошкент метрополитени» корхонаси бошлиғи ўринбосари Абдулазиз Қосимов. — Амалда эса бу борадаги ишлар ҳар 6-7 соатда амалга ошириляпти. Бундан ташқари вагонлар ҳар 3750 км. ва 7500 км. йўл босянидан сўнг зарурий техник кўриқдан ўтказилмоқда. Бу эса юзага келиши мумкин бўлган носозликларни вақтида аниқлаш ҳамда бартариф этилишини кафолатлайди.

Тадбирда, шунингдек, «Тошкент метрополитени» ДУК томонидан малакали кадрларни тайёрлаш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилаётгани, хусусан, Метрополитен ўқув-методик марказида 2013 йилнинг тўққиз ойида ҳаракат састави машинисти, бекат навбатчиси ва бошқа тор доирадаги юзга яқин мутахассис етишиб чиққани, ўз навбатида, 170 нафардан ортиқ ходимнинг малакаси оширилгани таъкидланди.

Г. МУХИДДИНОВА тайёрлади.

**БМТДА
ҚИСҚАРИШ**

Бирлашган Миллатлар Ташкилотиде лавозимлар қисқартириляётгани муносабати билан 2014-2015 йилларда ташкилот бюджети 2,9 фоизга камайдиган бўлди.

Шу муносабат билан БМТ бош котиби Пан Ги Муннинг Бош Ассамблеянинг бешинчи кўмитаси вакилларида 2014-2015 йилларга мўлжалланган бюджетни 5,404 млрд. АҚШ доллари миқдориде тасдиқлашни сўрагани маълум қилиляпти. Бош котиб мазкур лойиҳада келгуси икки йиллик бюджет 2012-2013 йиллардагига нисбатан 2,9 фоизга псайганини, зеро 290 га яқин лавозим қисқартирилишини ҳам айтган. Бунга глобал молиявий инкироз сабаб бўлгани қайд этиляпти.

Маълумки, ҳар бир давлатнинг БМТ бюджетига қўшаётган ҳиссаси ташкилотнинг умумий харажатларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Киритилаётган маблағ миқдорини эса БМТ Бош Ассамблеяси ҳар уч йилда аниқлайди.

Реклама

«NAVOIYAZOT»
OCHIQ AKSIYADORLIK JAMIYATI

УНИВЕРСАЛ ЭРИТУВЧИ — МЕТИЛАЦЕТАТНИ СОТУВГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Метилацетатдан лок, буёқ, елим, смолаларни суюлтиришда, полимер ҳамда қуриб қолаётган плёнкаларни эритишда самарали фойдаланилади. Шунингдек, доғларни кетказиш, автокосметик воситалар ва шпаклёвқалар ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади

Ўзбекистон Республикаси, 210105, Навоий-5,
Факс: (+99879) 223-75-80. Маркетинг бўлими: (+99879) 229-29-99,
e-mail: market@navoiyazot.uz
Сотув бўлими: (+99879) 229-23-04, 229-21-68,
e-mail: sale@navoiyazot.uz

Маълумот сертификатланган

www.navoiyazot.uz

Автомобили VAZ

от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

VAZ Patriot (comfort) — пикап

Полноприводный (4x4)

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:
Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09.
(+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте www.sardor-avto.uz

XXI ASR

2014 йил учун ОБУНА ААВОНЪЭТМОҚДА

О'лиDeP фаолияти, партия турмуши ва партиянинг таъин бўлиши — БПТлар фаолиятидан аххаалар, мамлакатимиз ва хорижда рўй бераётган энг сўнгги янгиликлар «XXI ASR» ижтимоий-сийсий газетаси саҳифалари.

ХЎРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

**«АСАКА» БАНК ОАЖ
ЖАМОАСИ**

Сизларни яқинлашиб келаётган Конституция куни билан табриклайди ва миллий валютадаги муддатли «**КОНСТИТУЦИЯ-2013**» янги омонат турини таклиф этади.

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фойзлар ҳар ойда ёки омонат муддати туганидан сўнг берилади. Мазкур омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун «Асака» банк ОАЖ филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар номи	Телефон рақамлари	Филиаллар номи	Телефон рақамлари
Тошкент шаҳар филиали	371 120-83-13	Наманган вилоят филиали	369 226-94-75
Автотранспорт филиали	371 120-39-95	Навоий вилоят филиали	436 223-54-32
Шайхонтохур филиали	371 140-39-36	Зарафшон филиали	436 573-18-78
Юнусобод филиали	371 221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365 223-71-94
Сирғали филиали	371 258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365 770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371 120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366 231-08-86
Андижон вилоят филиали	374 224-40-96	Афросиёб филиали	366 221-77-56
Асака филиали	374 233-13-69	Қашқадарё вилоят филиали	375 221-12-93
Фарҳод филиали	374 226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376 770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373 224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361 770-60-59
Марғилон филиали	373 237-12-37	Хоразм вилоят филиали	362 226-97-78
Олтиариқ филиали	373 432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367 225-44-03
Қўқон филиали	373 552-61-04	Жиззах вилоят филиали	372 226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади. Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

«АСАКА» БАНК —
сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

Хизматлар лицензияланган.

XXI ASR

ИТМОИЙ-СИСОИЙ ГАЗЕТА

TADBIRKORLAR VA ISHIBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИРИЯТ: Темур АБДУРАҲМОҶОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Шаҳзод НАЗАРОВ, Озод РАҲАБОВ, Муҳаббат РАВШАНОВА, Носир ТОШЕВ, Шукрат ХУЖАЕВ, Маркс ЮСУПОВ, Ориф УЛМАСОВ, Янгибой ҚУҶҚОРОВ.

БЎЛИМЛАР: Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru

© «XXI ASR» дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқти назардан фарқ қилиши мумкин.

*«Ўзбекистон» НМИУ босяхонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

БОШ МУХАББИР: Миралп АбДУРАҲМОҶОВ.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишибилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» ижтимоий-сийсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 8507 Тираж: 15977

Баҳоси келишилган нарҳда.

Тошхирлиди — 2000

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X

Навбатчилар: Н.ТОШЕВ, Н.ҚАҲҚОРОВА.